8/2	$35,0 \pm 2,4$	$1,6 \pm 0,6$	$14,6 \pm 0,7$	$31,4 \pm 0,9$	$1,2 \pm 0,1$	$36,7 \pm 2,3$
9/2	$31,0 \pm 2,3$	$1,6 \pm 0,5$	$14,0 \pm 0,5$	$27,8 \pm 1,2$	$1,2 \pm 0,2$	$41,5 \pm 2,4$
12/2	$35,0 \pm 2,1$	$1,7 \pm 0,4$	$14,8 \pm 0,5$	$33,9 \pm 1,7$	$1,2 \pm 0,1$	$35,0 \pm 2,2$
12/6	$31,2 \pm 5,4$	$1,4 \pm 0,5$	$14,8 \pm 0,4$	$27,5 \pm 1,3$	$1,3 \pm 0,1$	$46,0 \pm 1,4$
12/8	$35,1 \pm 3,1$	$1,7 \pm 0,6$	$14,4 \pm 0,5$	$28,9 \pm 1,2$	$1,3 \pm 0,2$	$41,7 \pm 2,4$
14/2	$27,5 \pm 5,5$	$1,9 \pm 0,2$	$14,4 \pm 0,4$	$30,0 \pm 0,9$	$1,2 \pm 0,1$	$40,2 \pm 5,5$
НСР _{0,5}	3,4	0,3	1,3	4,6	0,3	5,5

По двухлетним данным высокой массой 1000 зерен отличились линии: 12/6, 8/8 и 12/6. При этом особо пластичным оказались линии: 9/6, 12/6 и 12/8, которые выделились в двух вегетационных годах. Выделенные линии имеют практическое значение для использования в практической селекции для создания высокопродуктивных генотипов.

На основании изучения линий яровой мягкой пшеницы в условиях полива предгорной зоны по урожаю зерна и элементов структуры урожая, были выделены ценные линии: Л 9/3 по двум

признакам (число колосков колоса, число зерен колоса), Л 12/2 по трем признакам (продуктивная кустистость, масса зерен колоса, число зерен колоса), Л 12/6 по трем признакам (число колосков колоса, масса зерен колоса, масса 1000 зерен), Л 12/8 по трем признакам (продуктивная кустистость, масса зерен колоса, масса 1000 зерен).

В таблице 3 приведены средние значения коэффициента вариации по элементам структуры урожая изученных линий мягкой яровой пшеницы за 2010 – 2011 годы.

Из данных таблицы видно, что коэффициент вариации у изученных признаков колебались в зависимости от годов исследования.

Таблица 3

Изменчивость элементов структуры урожая яровой мягкой пшеницы (среднее за два года)

Признаки	Коэффициент вариации, %	
	2010г.	2011г.
Продуктивная кустистость	26,52	28,61
Число колосков колоса	10,29	11,81
Число зерен колоса	11,84	13,41
Масса зерен колоса	34,6	40,11
Масса 1000 зерен	4,83	5,14

Для выявления вариабельности изученных признаков в зависимости от вегетационных годов, их классифицировали по изменчивости на три группы: 1 – слабо-варьирующий 4-5% (масса 1000 зерен); 2 – средне-варьирующие – 10-13% (число зерен в колосе, число колосков колоса); 3 – сильно-варьирующий 15% и выше (продуктивная кустистость).

Заключение

Таким образом, на основании сравнительного изучения новых линий яровой мягкой пшеницы по урожайности зерна и элементов структуры урожая были выделены ценные линии: 12/2, 12/6 и 12/8, которые обладают высокой урожайностью, достаточной гомеостатичностью и значительной стабильностью в условиях выращивания. Эти сорта целесообразно выращивать на поливных землях предгорной зоны для получения стабильного урожая.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Джаббаров И.Ш., Маджидова Т.Р. Эколого – генетические изучение количественных признаков пшеницы // Вестник НУУ. – 2016. – № 3/1. – С. 42.
2. Шелепов В.В., Чебаков Н.П., Вергунов В. А., Кочморский В.С. Пшеница: История, морфология, биология, селекция. – Миронивка: Миронивский институт пшеницы им. В.Н. Ремесло. – 2009. – С. 573.
3. Белан И.А., Росеева Л.П., Зыкин В.А. История селекции яровой мягкой пшеницы в СибНИИСХ: урожайность, адаптивность // Достижения науки и техники АПК. – 2008.- № 12.- С. 8.
4. Филлипс С., Нортон Р. Производство зерна пшеницы и применение минеральных удобрений в мире // Питание растений. – 2012. – № 4.- С. 2.
5. Кильчевский А.В., Хотылева Л.В. Генетические основы селекции растений – Минск: Беларус: изд-во наука, 2008. – С. 551.
6. Леонова Е.П., Мельниченко Т.В. Оценка комбинационной способности сортообразцов моркови в условиях Украины // Наука и мир. – 2014. – № 4 (8). – С. 147.
7. Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур. // М.: Госкомиссия по сортоиспытанию с.-Х. культур. – 1985. Вып.1. общая часть. С-269
8. Методическая указания ВИР по изучению коллекций пшеницы. – М. :ВИР-Л.- 1985.–С. 60.
9. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. -М.: Агропромиздат.-1985.-С.253.

УЎТ: 633.511/631.5

СУҒОРИШ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ УРУҒЛИК ЧИГИТ СИФАТИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Н.Х. Дурдиев, қ.х.ф.ф.д., Пахта селекцияси, уруғчилиги ва этиштириши агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада сугориши ва озиклантириши меъёрларининг уруғлик учун этиштириладиган ўрта толали ЎзПТИ-103 ва Султон ғўза навларининг уруғлик чигит сифати ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: сугориши ва озиклантириши тартиблари, уруғлик чигит сифати, ҳосилдорлик.

Аннотация. В данной статье приведены материалы о влиянии водно-питательных режимов орошения, нормы минеральных удобрений на качество посевных семян и на урожайность сортов средневолокнистого семенного хлопчатника УзПТИ-103 и Султан.

Ключевые слова: водно-питательный режим, качество посевных семян хлопчатника, урожайность.

Abstract. The paper presents materials related to impact of irrigation and nutrition application scheduling on seed quality and seed-lint yield of upland cotton varieties UzPITI-103 and Sultan which were grown for seed production.

Key words: irrigation and nutrition application scheduling, cotton seed quality, seed-lint yield.

Республикамизда уруғчиликни ривожлантириш ва халқаро андозаларга тенглаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3683-сонли қарори ва Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 8 ноябрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда маъқулланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 16 февралда тасдиқланган ЎРҚ-521-сонли “Ўзбекистон Республикасининг уруғчилик тўғрисидаги қонуни” қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра Республикамизда қишлоқ хўжалиги экинларининг навларини такрор кўпайтириш босқичларига қараб, уруғликларнинг оригинал, элита ва репродукцион тоифалари белгиланди.

Республикамизда ғўза уруғчилиги уруғчилик тўғрисидаги қонун ва уруғчиликка оид қарорлар асосида ҳукумат томонидан тизимли равишда бошқарилади. Аммо бошқа баъзи пахта етиштирувчи мамлакатларда аксинча. Масалан, Халқаро озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги (FAO) ташкилоти берган маълумотларга кўра Африканинг Малави, Мозамбик ва Замбия давлатларида пахтачилик соҳаси бошқарувида монополия вужудга келган бўлиб, айниқса нархлар асосан етакчи пахта компаниялари томонидан белгиланади. Уруғчилик соҳаси ҳам бу давлатда норасмий бўлиб, тизимли равишда ҳукумат томонидан бошқарилмайди. Уруғлик чигитлар алоҳида пахта титиш жинларида ёки алоҳида заводларда эмас, балки техник пахта хом-ашёсини қайта ишловчи жинларда тозаланганлиги учун ҳам нав аралашмалари жуда кўпайиб кетади. Малави ва Мозамбик давлатларида уруғчилик соҳасида ҳукумат ҳеч қандай роль ўйнамайди, бунда фақатгина Замбия давлатида уруғ назорат ва сертификатлаш институтлари фаолият кўрсатади холос. Ушбу давлатларда барча уруғлик чигитлар тукли чигитлар ҳисобланади[2].

Етиштириладиган пахта ҳосилининг тақдири асосан экиладиган уруғлик чигитнинг сифатига боғлиқ. Шу сабабли сифатли уруғлик чигит етиштиришда уруғлик учун парваришланадиган ғўза навларининг етиштириш агротадбирлар тизимини, айниқса мақбул суғориш ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини илмий асосда ишлаб чиқиш долзарб бўлиб ҳисобланади.

АҚШлик олимлар тадқиқотларида уруғлик чигитнинг узоқ муддат унвчанлигини сақлаб қолиши бўйича изланишлар олиб борилганда, қопларда ҳавонинг юқори нисбий намлиги ва ҳароратда сақланган уруғликлар унвчанлиги 2 йилдан сўнг бутунлай йўқолиши, аммо намлик миқдорини 8% гача (вазнга нисбатан) пасайтириб контейнерларда уруғлик чигитлар сақланганда еттинчи йилга бориб бироз ёмонлашгани кузатилиб, 10 йилга борганда ҳам айрим уруғликлар ҳанузгача унвчанлигини йўқотмаганлиги аниқланган. Ҳудди шунингдек тадқиқотларда уруғ унвчанлигининг узоқ муддат сақланишида асосий омиллардан бири намлик эканлиги аниқланган. Қанчалик намлик паст бўлса, унвчанлик шунча узоқ муддат сақланиши кўрсатилган [3].

Б.Халмановнинг аниқлашича, ер ости сувлари чуқур жойлашган, эрозияга учраган, ўртача зичлашган типик бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг С-6524 навидан сифатли чигит ва юқори ҳосил олиш мақсадида суғоришни ЧДНСга нисбатан 70-70-60%да ўтказиш ва минерал ўғитлар N-240, P-160, K-120 кг/га меъёрида қўллаш, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида С-6524 ғўза навидан уруғлик пахта ҳосили етиштиришда ғўза тупининг саккизинчи ҳосил шохларининг 1-кўсақларигача теримга тавсия этган [1].

Тадқиқот услубиёти

Мавзу юзасидан тадқиқотларимиз 2015-2017 йилларда 41°25'10.2''N Шимолий кенгликда, 69°29'10.9'' Шарқий узунликда ва денгиз сатҳидан 560 метр баландликда жойлашган, Тошкент вилоятининг ПСУЕАИТИ Бош институт (Оққовок) қадимдан суғориладиган, механик таркиби ўрта ва оғир кумок, ер ости сувлари сатҳи 18-20 м дан чуқурда жойлашган, автоморф типик бўз тупроқлари шароитида олиб борилди. Тажриба 9 та вариантдан иборат бўлиб, 3 та такрорланишда, битта ярусда жойлаштирилди. Ҳар бир делянка-бўлакчалар 8 қатордан, қатор оралиғи 60 см, бир делянка умумий майдони 480 м², шундан ҳисоб майдони 240 м² ни ташкил этди. Икки хил минерал ўғит меъёрларида N-180, P₂O₅-126, K₂O-90 кг/га ва N-220, P₂O₅-154, K₂O-110 кг/га, икки хил суғориш тартибларида,

яъни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60%, 70-75-65% да, Султон ва ЎзПТИИ-103 ғўза навларида олиб борилди.


Ўзани суғориш вақтидаги сув сарфи кирим-чиқим (брутто-нетто) миқдорлари остонаси 0,25 м ва 0,50 м кенгликда бўлган «Чипполетти» сув ўлчагичи ёрдамида аниқланган. Эгатдаги сув сарфини аниқлашда Томпсон (45°C) сув ўлчагичидан фойдаланилди. Олинган ҳосилга статистик-математик ишлов бериш Доспехов усулида амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси

Тажриба даласи тупроғининг дастлабки агрохимёвий тафсилоти бўйича хайдов (0-30 см) ва хайдов ости (30-50 см) қатламларида гумус миқдори тегишлича 0,629 ва 0,489%, ялпи азот 0,063 ва 0,044, ялпи фосфор 0,122 ва 0,085%, ялпи калий эса 1,80 ва 1,85% ни ташкил этиб, дала тупроғи нитратли азот ва ҳаракатчан фосфор билан кам, алмашинувчи калий билан ўртача даражада таъминланган.

2015-2017 йиллар давомида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% намлик тартибида 1-3-1 тизимда, 5 маротаба суғорилди. Суғориш меъёри гуллашгача 736 м³/га, гуллаш – ҳосил тўплаш даврида 3107,5 м³/га, пишиш даврида 872,8 м³/га бўлиб, мавсумий суғориш меъёри 4716,3 м³/га ни ташкил этди. Суғориш давомийлиги гуллашгача 20,5 соатни, гуллаш – ҳосил тўплаш даврида 26,2-27,1 соатни, пишиш даврида 18,3 соатни ташкил этди. Суғориш оралиғи эса гуллашгача 22-23 кунни, гуллаш – ҳосил тўплаш даврида 17-18 кунни, пишиш даврида 25-26 кунни ташкил этди (1-расм).

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% суғориш тартибида 1-4-1 тизимда 6 маротаба суғорилди. Суғориш меъёри гуллашгача 736 м³/га, гуллаш – ҳосил тўплаш даврида 3770,3 м³/га, пишиш даврида 773,9 м³/га бўлиб, мавсумий суғориш меъёри 5280,2 м³/га ни ташкил этди. Суғориш давомийлиги гуллашгача 20,3 соатни, гуллаш – ҳосил тўплаш даврида 21,5-22,0 соатни, пишиш даврида 16,9 соатни ташкил этди. Суғориш оралиғи эса гуллашгача даврида 15-16 кунни, гуллаш – ҳосил тўплаш даврида 13-16 кунни, пишиш даврида 23-24 кунни ташкил этди.



1-расм. Уруғлик учун етиштирилган Султон ва ЎзПТИИ-103 ғўза навларининг бир марталик ва мавсумий суғориш меъёрлари (2015-2017 йй.)

Турли суғориш ва озиклантириш меъёрларининг уруғлик учун етиштирилган ғўза навларининг униб чиқиш қуввати, дала ва лаборатория унувчанликларига таъсири ўрганилганда «Султон» ғўза нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% да суғорилиб, минерал ўғитлар билан N-180, P-126, K-90 кг/га меъёрда озиклантирилганда униб чиқиш қуввати 91% ни, лаборатория унувчанлиги 93% ни, дала унувчанлиги 75% ни ташкил этди. Аммо юқоридаги суғориш тартибида суғорилиб, озиклантириш эса N-220, P-154, K-110 кг/га меъёрда олиб борилганда униб чиқиш қуввати 94% ни, лаборатория унувчанлиги 96% ни, дала унувчанлиги 77% ни ташкил этиб, минерал ўғит меъёрлари оширилиши унувчанлик қувватини ва лаборатория унувчанлигини 3% га, дала унувчанлигини 2% га оширганлиги аниқланди. Ушбу ғўза нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% да суғорилиб, минерал ўғитлар билан N-220, P-154, K-110 кг/га меъёрда озиклантирилганда, суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 70-75-65% да ва минерал ўғит меъёрлари

юқоридаги меъёрларда озиклантирилганга нисбатан униб чиқиш қуввати, лаборатория унувчанлиги ва дала унувчанликлари 3% га кам бўлган. Бу эса суғориш тартибининг ЧДНСга нисбатан 70-70-60% дан 70-75-65% га оширилиши чигитнинг унувчанлик кўрсаткичларини яхшиланишига олиб келган ва «Султон» ғўза нави учун мақбул суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% эканлиги аниқланди.

«ЎзПИТИ-103» ғўза навини ЧДНСга нисбатан 70-70-60% да суғорилиб, минерал ўғитлар билан озиклантириш N-220, P-154, K-110 кг/га меъёрда олиб борилганда униб чиқиш қуввати 96%, лаборатория унувчанлиги 99% ва дала унувчанлиги 80% ни ташкил этди. Минерал ўғитлар билан озиклантириш юқоридаги меъёрларда озиклантирилиб, ЧДНСга нисбатан 70-75-65% да суғорилганда эса униб чиқиш қуввати ва лаборатория унувчанлиги 1% га, дала унувчанлиги 2% га камроқ бўлганлиги кузатилди.

Бундан кўриниб турибдики, «ЎзПИТИ-103» ғўза навида суғориш тартибларининг оширилиши чигитнинг унувчанлик кўрсаткичларини оширмади, аксинча 1-2% га пасайишига олиб келди. Буни «ЎзПИТИ-103» ғўза навининг намликка талаби юқори эмаслиги ва илдиз тизимининг бирмунча кучлироқ ривожланганлиги ҳамда намликнинг илдиз орқали кўпроқ ўзлаштирилиши билан изоҳланади. Юқоридаги натижаларга асосланиб, «ЎзПИТИ-103» ғўза нави учун мақбул суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% эканлигини айтиш мумкин. «Султон» ғўза навида чигитнинг энг юқори унувчанлик кўрсаткичлари ЧДНСга нисбатан 70-75-65% бўлиб, минерал ўғитлар NPK:220:154:110 кг/га қўлланилганда, «ЎзПИТИ-103» ғўза навида эса суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% бўлиб, минерал ўғитлар NPK:220:154:110 кг/га қўлланилганда кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

«ЎзПИТИ-103», «Султон» ғўза навларининг уруғлик сифат кўрсаткичларига сув-озика (NPK) меъёрларининг таъсири (2015-2017 йй)

Вар. т/р	Ғўза навлари	ЧДНСга нисбатан суғориш тартиби,%	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га (с.х.)			1000 дона чигит вазни, г	Лаборатория шароитида униб чиқиш қуввати,%	Лаборатория унувчанлиги,%	Дала унувчанлиги,%
			N	P	K				
1	С- 6524 (назорат)	70-70-60	200	140	100	124,8	93	95	78
2	ЎзПИТИ-103		180	126	90	127,8	93	95	75
3	Султон		180	126	90	126,3	91	93	75
4		70-75-65	180	126	90	128,2	95	97	78
5	ЎзПИТИ-103	70-75-65	180	126	90	126,2	92	94	74
6	Султон	70-70-60	220	154	110	127,8	94	96	77
7	ЎзПИТИ-103		220	154	110	130,6	96	99	80
8		70-75-65	220	154	110	129,1	95	98	78
9	Султон	70-75-65	220	154	110	130,9	97	99	80

«Султон» ғўза нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% да суғорилиб, минерал ўғитлар билан N-220, P154, K-110 кг/га меъёрда озиклантирилганда умумий пахта ҳосили уч йиллик ўртача 42,5 ц/га, шу жумладан уруғлик пахта ҳосили 23,7 ц/га, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% да суғорилиб, минерал ўғитлар билан юқоридаги меъёрда озиклантирилганда умумий пахта ҳосили 45,2 ц/га, шу жумладан уруғлик пахта ҳосили 25,8 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 70-70-60% суғориш тартибида умумий пахта ҳосили 2,5 ц/га, уруғлик ҳосили 2,3 ц/га, 70-75-65% суғориш тартибида эса умумий пахта ҳосили 5,2 ц/га, уруғлик пахта ҳосили 4,4 ц/га юқори бўлиб, энг юқори ҳосилдорлик суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% суғориш тартиби ва минерал ўғитлар билан N-220, P154, K-110 кг/га меъёрда озиклантирилганда олинди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозим, уруғлик пахта ҳосили ғўза тупининг пастдан юқорига қараб 3-7 ҳосил шохларидан олинди.

«ЎзПИТИ-103» ғўза нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% да суғорилиб, минерал ўғитлар билан N-220, P154, K-110 кг/га меъёрда озиклантирилганда умумий пахта ҳосили уч йиллик ўртача 43,8 ц/га, шу жумладан уруғлик пахта ҳосили 26,1 ц/га, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% да суғорилиб, минерал ўғитлар билан юқоридаги меъёрда озиклантирилганда умумий пахта ҳосили 42,4 ц/га, шу жумладан уруғлик пахта ҳосили 25,0 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 70-70-60% суғориш тартибида умумий пахта ҳосили 3,8 ц/га, уруғлик пахта ҳосили 4,7 ц/га, 70-75-65% суғориш тартибида эса умумий пахта ҳосили 2,4 ц/га, уруғлик ҳосили 3,6 ц/га юқори бўлди. Энг юқори ҳосил суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% да суғорилиб, минерал ўғитлар билан N-220, P154, K-110 кг/га меъёрда

озиклантирилганда олинди ва ушбу ғўза нави пастроқ суғориш тартибида юқори ҳосил бериши «Султон» ғўза навиға нисбатан сувсизликка бирмунча чидамли нав эканлигидан далолат беради (2-жадвал).

Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган, ер ости сувлари 18-20 метрда жойлашган, типик бўз тупроқлари шароитида 2015-2017 йиллар давомида олиб борилган илмий изланишлар натижалари асосида қуйидагича хулосалар қилиш мумкин.

2-жадвал

Турли сув-ўғит меъёрларининг уруғлик учун етиштирилган С-6524 (назорат), Султон ва ЎзПИТИ-103 ғўза навлари пахта ҳосилига таъсири, ц/га 2015-2017 йй

Вар т/р	Ўза навлари	Суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан,%	Маъдан ўғит меъёрлари, кг/га с.х.			Умумий пахта ҳосили, ц/га	Шу жумладан уруғлик пахта ҳосили, ц/га
			N	P	K		
1	С-6524 (назорат)	70-70-60	200	140	100	40,0	21,4
2	ЎзПИТИ-103	70-70-60	180	126	90	40,2	23,6
3	Султон	70-70-60	180	126	90	40,5	22,4
4		70-75-65	180	126	90	42,0	23,7
5	ЎзПИТИ-103	70-75-65	180	126	90	40,0	23,1
6	Султон	70-70-60	220	154	110	42,5	23,7
7	ЎзПИТИ-103	70-70-60	220	154	110	43,8	26,1
8		70-75-65	220	154	110	42,4	25,0
9	Султон	70-75-65	220	154	110	45,2	25,8

Суғориш тартиблари бўйича НСР₀₅ = 1,1 ц/га 2015-2017 йй ўртача
Маъдан ўғит меъёрлари бўйича НСР₀₅ = 1,8 ц/га 2015-2017 йй ўртача

ХУЛОСАЛАР

Уруғлик учун етиштириладиган “Султон” ғўза навидан юқори ва сифатли уруғлик пахта ҳосили етиштириш учун минерал ўғитларни (NPK) 220:154:110 кг/га меъёрда қўлланилиши, ЧДНСга нисбатан 70-75-60% суғориш олди тупроқ намлигида 5-6 маротаба 1-3(4)-1 тизимда, ҳар галги суғориш 750-950 м³/га, мавсумий суғориш меъёрлари 5000-5200 м³/га, суғориш оралиғи 14-20 кун, суғориш давомийлиги гуллашгача 18-22 соат, гуллаш – ҳосил тўплашда 20-25 соат, пишишда 16-18 соатни, эгат узунлиги эса 70-80 м ни ташкил этиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ЎзПИТИ-103 ғўза навида эса минерал ўғитларни (NPK) 220:154:110 кг/га меъёрда қўлланилиши, ЧДНСга нисбатан 70-70-60% суғориш олди тупроқ намлигида 4-5 маротаба, 1-2(3)-1 тизимда, ҳар галги суғориш 800-1100 м³/га, мавсумий суғориш меъёрлари 4600-4800 м³/га, суғориш оралиғи 18-25 кун, суғориш давомийлиги гуллашгача 18-22 соат, гуллаш – ҳосил тўплашда 24-28 соат, пишишда 18-20 соатни, эгат узунлиги эса 70-80 м ни ташкил этиши ҳамда ўрганилган иккала ғўза навларида уруғлик пахта ҳосилини 3-7 ҳосил шохларидан териш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Халманов Б. “Gossypium hirsutum L”. турига мансуб, айрим экстремал омилларга чидамли селекцион ашёларни яратиш. Докторлик диссертацияси автореферати - Тошкент, 2016 й. –Б.25.
2. Richards LA, Neal OR (1936) Some field observation with tensiometers. Soil Sci Soc Am Proc 1: 71.
3. Simpson D. M. (1942). Factors affecting the longevity of cottonseed. Journal of Agricultural Research Vol. 64, No. 7. p. 407-419.

УДК: 633.11:632.9

СПОСОБЫ ЭКОНОМИИ ПОЛИВНОЙ ВОДЫ

Кадилов Ш.Ю., к.с/х.н., Хорезмская академия Маъмуна, Хива

Аннотация: ҳозирги кунда Ўзбекистонда талабнинг ошиши билан айниқса қишлоқ хўжалигида сув ресурсларининг танқислиги кузатилаётганда. Маълумки, эгат усулида суғориш катта миқдордаги сувнинг фильтрацияга исроф бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳар хил дренажлашган майдонларда суғоришнинг турли технологияларининг самарадорлигини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Калит сўзлар: суғориш сувини тежаш, суғориш технологияси, ғўзанинг Ният нави, дренаж тизими, ер ости сувлари.

Аннотация: в настоящее время в Узбекистане наряду с повышением спроса, особенно в сельском хозяйстве, наблюдается нехватка водных ресурсов. Известно, что применение бороздкового полива приводит к большим потерям воды на фильтрацию. В связи с этим

актуальной является изучение эффективности различных технологий полива в условиях разной дренированности орошаемых земель.

Ключевые слова: экономия оросительной воды, технология полива, сорт хлопчатника Ният, дренажная сеть, грунтовые воды.

Рациональное использование воды при орошении сельскохозяйственных культур является актуальной задачей, особенно для Узбекистана, где остро ощущается дефицит оросительной воды. Маловодье ныне особенно жестко отражается на конечных водопотребителях Каракалпакстана и Хорезме. Перспективы водообеспечения в маловодную эпоху напрямую зависят от эффективности водосбережения и качества управления водными ресурсами [1]. Производство хлопчатника в обширной оросительной системе бассейна Аральского моря привело к нерациональному использованию водных ресурсов и деградации земель [2].

Хорезмская область является самой северной зоной хлопкосеяния и до сих пор здесь применяется бороздковый полив, при этом орошение осуществляется без учета дренированности территории. Не секрет, что в этом случае бесполезно расходуется значительное количество оросительной воды на испарение и фильтрацию из-за продолжительного поливного периода. Нерациональное использование воды не только не способствует росту урожайности хлопчатника, но и вызывает увеличение площадей со вторичным засолением.

В связи с этим в 2017 году в фермерском хозяйстве Фаррух Ургенчского района Хорезмской области были проведены исследования по разработке водосберегающей технологии полива хлопчатника. Почвы здесь луговые, по механическому составу среднесуглинистые. В пахотном слое гумуса содержится в среднем 0,8%, объемная масса составляет 1,31 г/см³.

Почва на период посева после проведения весенней промывки слабозасоленная. Содержание хлор-иона в слое 0-100 см составляет в среднем 0,020%. К концу вегетации вследствие сезонного соленакопления почвы переходят в категорию средnezасоленных и содержание хлор-иона в слое 0-100 см возрастает до 0,04-0,05%. Промывная норма при опреснении почв принималась 3,5 тыс.м³/га. Тип засоления хлоридно-сульфатный. Грунтовые воды залегают на глубине 1,4-1,7 м весной, снижаясь к осени до 2,1-2,4 м. Грунтовые воды слабоминерализованные (1,4-1,8 г/л по плотному остатку). Дренажная сеть представлена открытыми коллекторами глубиной 2,5 м с расстояниями не менее 300 м.

Хлопчатник возделывали сорта Ният с шириной междурядий 60 см. Полив проводили по влажности 70-75-65% от ППВ. Было проведено два опыта: первый – непосредственно у коллектора, а второй – на расстоянии 80 м от него. При технологии полива по тактам было проведено за вегетацию три полива: первый с 28 июня по 6 июля нормой 1150 м³/га, второй с 17 по 29 июля нормой 1400 м³/га и третий с 8 по 19 августа нормой 1200 м³/га. За каждый такт подавалось в среднем 300-350 м³/га. Оросительная норма составляла 3750 м³/га.

При поливе в каждую борозду было проведено за вегетацию 5 поливов: 21 июня, 11 июля, 28 июля, 12 августа и 24 августа. Поливная норма составляла 600-700 м³ на 1 га и оросительная - 3250 м³/га. Проведение поливов через борозду и с чередованием поливных борозд позволило при таком же количестве поливов сократить оросительную норму до 2900 м³/га.

Исследования показали, что при проведении орошения на опытном участке, расположенном непосредственно у коллектора, число поливов увеличилось на 1 по сравнению с участком, расположенным на расстоянии 80 м от него. Это объясняется тем, что уровень грунтовых вод вдали от коллектора был выше на 40 см по сравнению с участком у коллектора, что напрямую оказал влияние на увеличение влажности почвы и привел к сокращению числа поливов. А экономия воды на участке вдали от коллектора составляла примерно 650 м³/га.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Рафиков В.А. Коллизии ограниченности ресурсов трансграничных вод и проблемы квотирования // Сборник материалов VII Международной научно-практической конференции “Проблемы рационального использования и охрана природных ресурсов Южного Приаралья”, г. Нукус, 17-18 июля 2018 г. Часть II. С.147-149.
2. Эшчанов Р. и др. Экология почвенной фауны на орошаемых землях в бассейне Аральского моря – пути улучшения почвы // “Куйи Амударё минтақасида деҳқончиликни ривожлантириш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари”, Урганч шаҳри, 2007 йил 10 май. Б.48.

ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ҲАР ХИЛ БЎЛГАН СОЯ НАВЛАРИНИНГ ЎСИШ ЖАДАЛЛИГИ

З.М.Кушметов, докторант, Хоразм Маъмун академияси, Хива

Аннотация: Ушбу мақолада Хоразм вилояти шароитида экиш муддатларининг соянинг Нафис, Арлета, Селекта-201 ва Селекта-302 навларини ўсиши жадаллигига боғлиқлигини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: соя, муддат, қатор ораси, ўсиш, ривожланиш

Аннотация: В данной статье приведены, результаты по изучению зависимости интенсивности роста в разных сроках посева сортов сои Нафис, Арлета, Селекта-201 и Селекта-302 в условиях Хорезмского вилоята

Ключевая слова: соя, срок, междурядия, рост, развитие

Abstract: The article gives a comment on the results of research on the effects of soybean varieties in the Khorezm region in terms of sowing time and their yield.

Key Words: soybean, time, line spacing, bush, number, productivity

Дехқончиликда тупроқ унумдорлигининг оширишни турли хил усуллари мавжуд бўлиб, барқарор унумдорликни сақлаш, ресурстежамкор янги агротехнологияларни ишлаб чиқиб амалиётга жорий этиш, аҳолини сифатли экологик тоза ўсимлик оқсиллари ва ёғларига бўлган талабини таъминлаш ҳамда етиштирилган маҳсулотни экспорт қилиш ва мамлакат иқтисодиётида юқори самарадорликка эришиш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. АҚШ, Бразилия, Аргентина каби давлатларда сўнги йилларда асосан соя етиштириш учун 122 млн. гектарга яқин майдонлар ажратилган. Соянинг ялпи дон ҳосили бутун дунё бўйича 220,64 млн. тоннани ташкил этади.

Соя етиштирувчи давлатларда экологик тоза маҳсулот олиш учун муайян тупроқ-иқлим шароитларига мос оқсилга бой, мойдорлиги нисбатан юқори серҳосил навларни танлаш, экиш муддатлари ва етиштириш агротехник усулларни қўллашни илмий асослаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шуларни инобатга олган ҳолда маҳаллий шароитларда янги соя навларини синаш, улардан юқори ва сифатли ҳосил олиш, жадал ва тежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Республикамизда ҳам оқсилга бой, мойдорлиги нисбатан юқори соя дони етиштиришнинг кўпайтириш тўғрисида Республикамиз Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сонли “2017-2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [3] ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган вазифаларни амалга ошириш масаланинг ўта долзарблигини таъкидлайди.

Шу боис маҳаллий шароитларда тезпишар, эртапишар, ўртапишар, кечпишар серҳосил, донининг таркибида тўйимли оқсил миқдори юқори бўлган соянинг янги навларини танлаш ва улардан сифатли дон олиш бўйича ресурстежамкор жадал агротехнологияларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Шу муаммоларни қисман ҳал этиш учун Хоразм вилояти шароитида янги соя навларидан юқори ва сифатли маҳсулот олиш мақсадида навларнинг ўсиш ва ривожланиш жадаллигини ўрганиб ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Тадқиқотларда соянинг Нафис, Арлета, Селекта-201 ва Селекта-302 навларини 2018 йилда Хоразм вилояти Хонқа тумани “Шоҳидабону-Шерзод” фермер хўжалигига қарашли 4 контурда 2 хил усулда, тажрибанинг 1 хилида соя уруғларини Ризовит препарати билан ишланмасдан, тажрибанинг 2 хилида эса соя уруғлари Ризовит препарати билан ишланиб уч вариант: 8, 18 ва 28 апрелда ва 4 такрорланишда, қатор ораси 60 см, туп ораси 4 см, ҳар бир нав 4 та асосий ва 1 та ишлов берилмаган оддий уруғдан экилган назоратдан иборат қаторлар узунлиги 5 п.м. дан, ҳар бир нав назорат билан 15 м² майдонга ва тажрибанинг қаторлар йўналиши бўйлаб икки томондан 5 метрдан, қаторлар жойлашиши бўйича ҳар икки томондан 5 қатордан ҳимоя зонаси қолдирилиб экилди. Тажрибанинг соф майдони жами 360 м² ни ташкил этди.

Ўсимликларни ўсиш жадаллигини ўрганиш учун амал даврида ҳар ой (май, июнь, июль ва август)нинг бошида бир маротаба ҳар бир нав бўлинма (делянка) си бўйича 4 асосий қаторда жойлашган ўсимликлардан белгилаб, тажрибанинг икки хили бўйича жами 400 ўсимликда кузатувлар олиб борилди.

Статистик таҳлиллар [2] бўйича Microsoft Excel дастурида амалга оширилди.

Хоразм вилояти шароитида соя янги навларининг турли муддатларда экиб, уларнинг бўйига ўсиш жадалликларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида: соя навларининг эрта муддат 8 апрелда экилганларида энг кучли ўсиш Нафис навининг тажриба учун экилган асосий қаторларда кузатилиб, ўсиш баландлиги 15.07.2018 кундаги кузатувда назоратга нисбатан 0,7 см га баланд бўлиб 87,7 см ни ташкил этди. Шу муддатда экилган навлар орасида ўсиш баландлиги бўйича энг паст кўрсаткич Арлета навининг назоратида кузатилиб, 15.07.2018 кунги кузатувда 40,9 см ни ташкил этганлиги қайд қилинди. Қолган Селекта-201 ва Селекта -302 навларнинг назорат ва асосий қаторларида бўйига ўсиш 15.07.2018 кунига 53,6 -55,0 см ўртасида бўлганлиги кузатилди.

1-Жадвал

Турли муддатларда экилган соя навларининг бўйига ўсиш жадаллиги

Экилган вақти	Кузатув санаси	Нафис		Арлета		Селекта-201		Селекта302	
		Назорат	Тажриба	Назорат	Тажриба	Назорат	Тажриба	Назорат	Тажриба
08.04.2018	25.06.2018	51,3	52,2	36,9	37,8	43,9	44,0	45,0	45,0
	05.07.2018	69,9	69,6	41,1	40,1	48,3	49,6	52,1	53,1
	15.07.2018	87,0	87,7	39,9	40,4	52,9	53,6	55,0	54,0
18.04.2018	25.06.2018	41,9	47,9	40,9	44,6	36,8	37,2	42,4	45,0
	05.07.2018	70,5	68,0	54,8	54,8	59,9	60,9	65,4	65,0
	15.07.2018	86,9	88,7	55,1	56,6	65,8	67,3	79,9	80,4
28.04.2018	25.06.2018	32,9	32,9	36,8	37	27	36,4	38,1	39,4
	05.07.2018	48,3	49,9	50,9	51,3	59,2	58	57,6	58,4
	15.07.2018	74,9	75,1	57,9	58,3	68	68,9	84,1	83,1

НСР_{0,05} = 6,5

НСР_{0,01} = 8,7

Соя навларининг иккинчи ўрта муддат 18.04.2018 кунги экилганларининг ўсиш жадаллиги бўйича 15.07.2018 кунги кузатувда энг кучли ўсиш Нафис навининг асосий қаторларида кузатилиб, 88,7 см ни ташкил этиб, шу навнинг назоратига нисбатан 1,8 см га баланд, энг паст ўсиш Арлета навининг назорат қаторида 55,1 см ни, Селекта -201 ва Селекта 302 навларида ўсиш ўртача Селекта -201 навининг назорат қаторида 65,8 см ва Селекта 302 навининг асосий қаторларида бўйига ўсиш 80,4 см ўртасида эканлиги кузатилди.

Энг кечки 28.04.2018 кунги муддатида экилган соя навларида энг кучли ўсиш 15.07.2018 кунига Селекта 302 навининг назорат қаторида 84,4 см ни, асосий қаторларида эса ўртача 83,1 см ни ташкил этиб назоратга нисбатан 1,0 см паст эканлиги кузатилди. Энг паст ўсиш Арлета навининг назорат қаторида 57,9 см га тенг бўлди. Селекта -201 ва Селекта 302 навларидаги бўйига ўсиш 68 смдан 84,1 см ўртасида эканлиги кузатилди (1-жадвал).

Демак тажрибамизнинг дастлабки малумотларига асосланган ҳолда Хоразм вилояти шароитида соянинг янги Нафис ва Арлета навларини эрта муддат 8-10 апрелда, Селекта-201 ва Селекта 302 навларини кечки муддат 28-30 апрелда экиш мақсадга мувофиқ экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ёрматова Д.Ё. Ўсимликшунослик-Тошкент, 2001.- Б110-121.
2. Б.А Доспехов Методика полевого опыта. Москва, Агропромизат, 1985 г.

ЎУК:633.11;632.9

БУҒДОЙ УАК ПОПУЛЯЦИЯЛАРИ БИРИНЧИ АВЛОДИДА ҚИЛТИҚЛИЛИК ВА БОШОҚ УЗУНЛИГИ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ

Х.С. Тўрақулов, лаборатория мудири, ЎзРФА Генетика ва Ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада бугдойнинг сариқ занг касаллигига чидамликни уяли ассоциацияли карталаш асосида тадқиқ қилиш учун ҳосил қилинаётган изоген линияларнинг биринчи авлодида қилтиқлилик ва бошоқ узунлиги белгиларининг ирсийланиши таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра бошоқ қилтиқлиги биринчи авлодда 100 фоиз ҳолатда рецессив бўлиши, бошоқ узунлиги белгиси эса тўлиқ ва тўлиқсиз устунлик, тўлиқсиз салбий устунлик ҳолатларда бўлиши кузатилган.

Калит сўзлар: Юмшоқ бугдой, сариқ занг, ирсийланиши, ўсимлик бўйи, тупланиши даражаси, бошоқ узунлиги, бошоқдаги дон сони, бир бошоқдаги дон оғирлиги, 1000 дон дон вазни.

Аннотация. В статье обсуждается наследование признаков, остистость и длины колоса в первом поколении популяций гнездо ассоциативно-картирование, созданных для исследования устойчивости к болезни желтой ржавчины пшеницы. Согласно анализу исследования, в первом

поколении остистость колоса унаследован рецессивно на 100 процентов, а длина колоса унаследована как полное и неполное доминирование, неполное отрицательное доминирование.

Ключевые слова: Мягкая пшеница, желтая ржавчина, наследственность, высота растения, уровень кушения, длина колоса, количество зерен в колосе, вес зерна в колосе, вес 1000 зерен.

Abstract. In the article discusses inheritance of the spike awn and length traits in first generation of nested association mapping populations creating for researching of resistance of wheat yellow rust disease. According to the analyses of the investigation, in the first generation spike awn was inherited recessive by 100 percent; spike length was inherited complete and incomplete dominance, incomplete negative dominance.

Key words: soft wheat, yellow rust, heredity, plant height, level of cultivation, spike length, number of grains per ear, grain weight per ear, weight 1000 grains.

Буғдой ер юзи аҳолиси томонидан энг кўп экилиб, маҳсулотлари энг кўп истеъмол қилинадиган экинларидан биридир. Марказий Осиё минтақаси эса йиллик ўртача буғдой уни истеъмоли бўйича дунёдаги энг юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Хусусан Ўзбекистон ва Марказий Осиё. Сарик занг касаллигининг тезда ва қисқа фурсат ичида кенг майдонларни ва буғдой далаларини эгаллаб олишининг асосий сабабларидан бири ушбу касалликнинг шамол орқали тарқалиши бўлса, касалликка қарши курашнинг энг асосий қийинчиликларидан бири ушбу касалликни келтириб чиқарувчи замбуруғнинг ўта ўзгарувчанлик хусусиятидир. Ушбу патоген чидамли навларнинг чидамлилигини ва атроф муҳитнинг ноқулай шароитини енгиб ўтиши учун мутация ва рекомбинация каби жараёнлардан фойдаланиб янги ирк ва формаларини ҳосил қилади ва янги чидамли навларни чидамсизга айлантиради, атроф муҳитнинг экстремал шароитларига мослашади (Hovmøller M. S. and Justesen A. F., 2009; Kolmer J. 2009; Chen X., 2009; Jin Y. 2010).

Маълумки, кишлоқ хўжалиги амалиётида экинларларнинг турли касаллик ва бошқа биотик ва абиотик омилларга қарши курашнинг энг самарали, арзон ва экологик қулай усули бу чидамли нав экишидир. Чидамли навлар яратишнинг назарий асосини берувчи чидамлилиқнинг генетикасини ўрганиш эса янги чидамли навлар яратишнинг фундаментал асосларини беради.

Чидамлилиқнинг генетик асослари энг аввало чидамли ва чидамсиз навларни чатиштириб, дурагай авлодларда чидамлилиқнинг ирсийланишини фенотипик баҳолаш орқали бошланган бўлса, бугунги кунда молекуляр даражада генотипик баҳолаш билан ўтказилмоқда. Охирги вақтларда урфга айланган ана шундай молекуляр усуллардан бири бу уяли ассоциацияли карталаш бўлиб, ўзининг бошқа молекуляр генетик усуллардан афзаллиги билан тадқиқотларда самарали қўлланилмоқда. Усулни илк бора Edward Buckler, James Holland, and Michael McMullenлар маккажўхори ўсимлиги устида миқдорий белгиларнинг генетик архитектурасини тўлиқроқ кўриш ва аниқлаш учун ўтказётган тадқиқотлари давомида кашф қилишади (Edward Buckler et.al., 2009) ва кейинчалик бошқа белги экин ҳамда бошқа экинларда кенг қўлланила бошлайди (Maurer A, et.al., 2015; Maurer A., 2016; Bajgain P, et.al., 2016; Thomas Vatter, et.al., 2017). Бизнинг тадқиқотларимиз ҳам чидамлилиқнинг фундаментал асосларини ўрганишга қаратилган бўлиб, тадқиқотларимизда юқорида таъкидланган уяли ассоциацияли карталаш усули орқали сарик занг касаллигига чидамлилиқни генетик тузилишини ўрганишни мақсад қилдик ва мазкур мақолада УАК популяциясининг биринчи авлод дурагайларида хўжалик белгиларининг ирсийланишини кўриб чиқамиз.

Материал ва услублар. Ушбу усул чидамсиз донорга бир қанча чидамли реципиент ота генотипларни чатиштириш ва 5-6 авлодгача дурагай популяцияларни ўзидан чатиштириб бориб, охирги авлодларни тегишли ДНК маркерлари ёрдамида баҳолашга асосланган (Edward Buckler et.al., 2009). Бизнинг тадқиқотларимизда чатиштириш учун чидамсиз генотип сифатида Марокко ва 24Z Назорат генотиплари ва 25 атрофида чидамли генотиплар танланди ва ўз ўзидан чатиштириш ишлари икки гуруҳ популяцияларида олиб борилди. Тажрибада чатиштириш Твел методи асосида бошоқ-бошоқ усулида апрель ойининг охири ва май ойининг бошида ўтказилди. Бу усулда чатиштириш учун оналик формаларнинг бошоғи юқориги баргдан тўлиқ ажралиб чиқмасдан олдин аввало бошоқнинг чангчилари етилмасдан бошоқдан олиб ташланиб бошоқ бичилди ва изоляция халтачалар билан яхшилаб ўралди. Орадан икки кун ўтгач, чатиштириш комбинацияси учун белгиланган ота формаси сифатида танлаб олинган ўсимликларнинг бошоғи билан бичилган она ўсимликнинг бошоғи чанглатилди.

Бошоқ қилтиқлилиги белгисининг УАК популяциясининг қилтиқсиз “24Z назорат” генотиби иштирокидаги биринчи авлодларида ирсийланиши

№	Дурагайлар	Ўсимликлар сони	Қилтиқли/қилтиқсиз	Қилтиқ	
				Мавжуд	Йўқ
	24 назорат	197	0/197	-	+
1	24 Z назоратхCompair (S; Yr8)	31	0/31	-	+
	Compair (S; Yr8)	197	0/197	-	+
2	24 Z назорат х Yr10	19	0/19	-	+
	Yr10	147	147/0	+	-
3	24 Z назорат х Yr15	64	0/64	-	+
	Yr15	383	383/0	+	-
4	24 Z назорат хGereck 79	45	0/45	-	+
	Gereck 79	391	391/0	+	-
5	24 Z назорат х 23 F1	134	0/134	-	+
	23 F1	90	90/0	+	-
6	24 Zназорат х 23 F3	46	0/46	-	+
	23 F3	100	100/0	+	-
7	24 Zназорат х 23 F5	48	0/48	-	+
	23 F5	110	110/0	+	-
8	24 Zназорат х PCI 1	107	0/107	-	+
	PCI 1	90	0/90	-	+
9	24 Zназорат х PCI 3	15	0/15	-	+
	PCI 3	84	84/0	+	-
10	24 Zназорат х PCI 4	40	0/40	-	+
	PCI 4	121	121/0	+	-
11	24 Zназорат х PCI 5	57	0/57	-	+
	PCI 5	10	10/0	+	-
12	24 Zназорат х PCI 6	74	0/74	-	+
	PCI 6	6	6/0	+	-
13	24 Zназорат х PCI 7	33	0/33	-	+
	PCI 7	154	154/0	+	-
14	24 Zназорат х PCI 8	44	0/44	-	+
	PCI 8	78	78/0	+	-
15	24 Zназорат х PCI 11	24	0/24	-	+
	PCI 11	165	165/0	+	-
16	24 Zназорат х PCI 13	59	0/59	-	+
	PCI 13	129	129/0	+	-
17	24 Zназорат х PCI 17	55	0/55	-	+
	PCI 17	235	235/0	+	-
18	24 Z назорат х Ғалларол 11	67	0/67	-	+
	Ғалларол 11	158	158/0	+	-
19	24 Zназорат х Ғалларол 16	44	0/44	-	+
	Ғалларол 16	130	130/0	+	-
20	24 Z назорат х Ғалларол 19	16	0/16	-	+
	Ғалларол 19	118	118/0	+	-
21	24 Z назорат х Ғалларол 24	14	0/14	-	+
	Ғалларол 24	114	114/0	+	-
22	24 Z назорат х Ғалларол 43	8	0/8	-	+
	Ғалларол 43	129	129/0	+	-
23	24 Z назорат х Ғалларол 89	59	0/59	-	+
	Ғалларол 89	145	145/0	+	-
24	24 Z назорат хРақобат- 4	39	0/39	-	+
	Raqobat 4	101	101/0	+	-
25	24 Z назорат х Cook	3	0/3	-	+
	Cook	78	78/0	+	-
26	24 Z назорат х АЭС 1	53	0/53	-	+
	АЭС 1	170	170/0	+	-
27	24 Z назорат х АЭС 2	50	0/50	-	+
	АЭС 2	197	197/0	+	-
28	24 Z назорат х АЭС 5	24	0/24	-	+
	АЭС 5	180	180/0	+	-

Бошоқ қилтиқчилиги белгисининг УАК популяциясининг қилтиқли “Марокко” генотиби иштирокидаги биринчи авлодларида ирсийланиши.

№	Дурагайлар	Ўсимликлар сони	Қилтиқли/ қилтиқсиз	Қилтиқ	
				Мавжуд	Йўқ
	Марокка	73	73/0	+	-
1	Мароккох YrSP	19	19/0	+	-
	YrSP	200	200/0	+	-
2	Мароккох PC-1	23	0/23	-	+
	PC-1	93	0/93	-	+
3	Мароккох PC-3	39	39/0	+	-
	PC-3	56	56/0	+	-
4	Мароккох PC-4	9	9/0	+	-
	PC-4	92	92/0	+	-
5	Мароккох PC-5	32	32/0	+	-
	PC-5	30	30/0	+	-
6	Мароккох PC-8	19	19/0	+	-
	PC-8	130	130/0	+	-
7	Мароккох PC-11	3	3/0	+	-
	PC-11	291	291/0	+	-
8	Мароккох Yr10	25	25/0	+	-
	Yr10	329	329/0	+	-
9	Мароккох Yr15	61	61/0	+	-
	Yr15	225	225/0	+	-
10	Мароккох 23-F1	19	19/0	+	-
	23-F1	89	89/0	+	-
11	Мароккох 23-F3	56	56/0	+	-
	23-F3	108	108/0	+	-
12	МароккохГаллаорол-24	12	12/0	+	-
	Галлаорол-24	54	54/0	+	-
13	МароккохГаллаорол-43	28	28/0	+	-
	Галлаорол-43	131	131/0	+	-
14	МароккохГаллаорол-89	29	29/0	+	-
	Галлаорол-89	84	84/0	+	-
15	Мароккох Gereck-79	14	14/0	+	-
	Gereck-79	225	225/0	+	-
16	МароккохРақобат-4	24	24/0	+	-
	Рақобат-4	117	117/0	+	-
17	МароккохCompair	15	0/15	-	+
	Compare	197	0/197	-	+
18	Мароккох Cook	22	22/0	+	-
	Cook	338	338/0	+	-

Юмшоқ бугдой чангчиларининг юқори хароратга ўта сезувчанлик хусусияти ҳисобга олинган ҳолда чанглатиш эрта тонгда ёки кечки пайтда ўтказилди. Дурагай авлод популяцияларидаги миқдорий белгиларнинг доминантлик даражаси Beil G.M., Atkins R.E. ишларида фойдаланилган Райт формуласи асосида (Beil G.M., Atkins R.E, 1965), статистик таҳлиллар эса Доспехов усулида амалга оширилди (Доспехов Б.А., 1985).

Тажриба натижалари ва уларнинг муҳокамаси

УАК популяцияларининг биринчи авлод популяцияларида сариқ занг касаллигига чидамлик белгисининг бошқа хўжалик белгилари билан боғлиқлигини ўрганиш мақсадида ўсимлик бўйи, тупланиш даражаси, бошоқ узунлиги, бошоқ қилтиқчилиги, бир бошоқдаги дон сони ва оғирлиги, 1000 дон дон вазни каби белгилар таҳлил қилинди. Ушбу белгиларнинг ичидан энг аввало бошоқ қилтиқчилиги белгисини кўриб чиқамиз. Бошоқ қилтиқчилиги белгиси муҳим белгилардан бири бўлиб, бир қанча олимлар томонидан ушбу белгининг ирсийланиши, бошқа белгилар билан корреляцияси ва морфологик маркер сифатидаги имкониятлари ўрганилган. Биз ҳам ушбу белгининг УАК популяцияларининг биринчи авлодида қай ҳолатда бўлишини ўргандик.

“24Z назорат” қатнашган биринчи авлод дурагайларида бошоқ узунлигининг ирсийланиши

№	Навлар ва дурагайлар	Бошоқ узунлиги				hp
		X±Sx	Δ	Lim	V%	
1	24Z назорат	10,6±0,3	0,81	9,0-11,5	7,70	
2	PC-1	9,0±0,2	0,73	10,0-12,0	6,76	
3	PC-3	10,2±0,2	0,66	9,0-11,5	6,52	
4	PC-4	10,5±0,3	0,86	9,2-12,0	8,23	
5	PC-5	11,5±0,3	1,00	9,5-12,5	9,39	
6	PC-6	9,3±0,2	0,58	8,5-10,0	6,31	
7	PC-7	10,3±0,2	0,70	8,8-11,7	6,89	
8	PC-8	11,9±0,3	0,93	10,0-12,6	7,82	
9	PC-11	12,4±0,2	0,78	11,0-13,3	6,37	
10	PC-13	11,5±0,3	0,79	10,0-12,8	6,92	
11	PC-17	9,2±0,2	0,51	8,6-10,0	5,63	
12	Yr10	8,8±0,2	0,73	7,8-10,2	8,35	
13	Yr15	9,8±0,1	0,42	8,8-10,0	4,60	
14	23F1	11,8±0,3	1,01	10,1-13,5	8,60	
15	23 F3	12,0±0,3	1,00	10,5-13,5	8,40	
16	23 F5	10,1±0,2	0,64	9,1-11,0	6,38	
17	Ғалларол-11	10,6±0,3	0,93	11,0-13,3	6,37	
18	Ғалларол-16	12,8±0,6	1,73	11,0-16,5	13,40	
19	Ғалларол-19	12,4±0,2	0,71	11,0-13,5	5,72	
20	Ғалларол-24	12,5±0,2	0,74	11,0-13,5	5,99	
21	Ғалларол-43	10,4±0,1	0,35	9,7-11,0	3,40	
22	Ғалларол-89	11,8±0,4	1,20	10,0-14,0	10,16	
23	Gereck-79	9,3±0,3	0,86	8,0-10,5	9,28	
24	Рақобат-4	11,2±0,3	1,08	10,0-13,0	9,66	
25	Compaig	9,7±0,4	1,19	7,5-11,3	12,30	
26	АЭС-1	12,1±0,4	1,38	9,0-13,5	11,48	
27	АЭС-2	12,2±0,1	0,41	11,5-12,5	3,39	
28	АЭС-5	11,2±0,4	1,23	9,3-13,7	11,07	
29	24Z назорат х PC-1	12,5±0,1	0,52	10,5-14,5	4,41	3,40
30	24Z назорат х PC-3	11,7±0,2	0,71	10,5-12,7	6,12	6,50
31	24Z назорат х PC-4	12,3±0,1	0,60	11,2-14,0	4,92	35,00
32	24Z назорат х PC-5	11,6±0,1	0,84	9,5-13,5	7,28	1,20
33	24Z назорат х PC-6	11,9±0,1	0,81	10,5-13,6	6,83	3,00
34	24Z назорат х PC-7	11,4±0,2	0,96	10,0-13,0	8,45	6,30
35	24Z назорат х PC-8	12,8±0,2	0,94	11,0-14,8	7,35	2,40
36	24Z назорат х PC-11	13,6±0,2	1,05	11,5-15,5	7,78	2,30
37	24Z назорат х PC-13	12,93±0,1	0,73	11,0-14,0	5,66	4,20
38	24Z назорат х PC-17	11,59±0,1	0,53	10,5-13,1	4,65	2,40
39	24Z назорат х Yr10	11,67±0,3	1,07	10,5-13,7	9,22	2,20
40	24Z назорат х Yr15	11,2±0,2	0,75	10,0-13,5	6,70	2,50
41	24Z назорат х 23 F1	12,2±0,1	0,55	10,5-14,0	4,54	1,70
42	24Z назорат х 23 F3	12,1±0,2	0,83	10,5-13,5	6,87	1,10
43	24Z назорат х 23 F5	11,8±0,4	0,81	10,5-13,2	6,86	5,80
44	24Z назорат х Ғаллаорол-11	12,0±0,2	0,82	10,3-14,0	6,88	1,40
45	24Z назорат х Ғаллаорол-16	12,8±0,2	0,88	11,2-14,5	6,86	1,00
46	24Z назорат х Ғаллаорол-19	12,6±0,2	0,77	11,0-14,1	6,13	1,20
47	24Z назорат х Ғаллаорол-24	12,5±0,1	0,77	10,6-13,6	6,23	1,00
48	24Z назорат х Ғаллаорол-43	13,0±0,3	1,08	11,3-14,4	8,37	25,00
49	24Z назорат х Ғаллаорол-89	12,5±0,2	0,80	11,1-14,3	6,38	2,20
50	24Z назорат х Gereck-79	10,1±0,2	0,83	8,3-11,8	8,23	0,20
51	24Z назорат х Рақобат-4	12,3±0,2	0,93	10,0-13,5	7,61	4,70
52	24Z назорат х Compaig	11,6±0,2	0,78	10,0-13,5	6,75	3,20
53	24Z назорат х АЭС-1	12,4±0,2	0,82	11,0-13,5	6,66	1,40
54	24Z назорат х АЭС-2	12,7±0,2	1,01	11,0-15,5	7,94	1,60
55	24Z назорат х АЭС-5	12,8±0,2	0,85	11,3-15,0	6,63	6,30

Кейинги тахлил қилган белгимиз бу бошоқ узунлиги бўлиб, ушбу белги муҳим хўжалик белгиларидан бири сифатида қайд этилади. 24Z назорат генотиби қатнашган чатиштиришларда, бошоқ узунлигининг биринчи авлодида ирсийланишида 28 комбинациядан фақатгина 24Z Назорат х Gereck 79 комбинациясида тўлиқсиз устунлик, қолган барча ҳолатларда тўлиқ устунлик кузатилди. Энг юқори кўрсаткичлар эса 24Z назорат х PC-4 ва 24Z назорат х Ғаллаорол 43 комбинацияларида қайд қилинди. Демак чатиштиришнинг 24Z назорат генотиби қатнашган 25 комбинацияларининг

биринчи авлодларида бошоқ узунлиги белгисининг асосан тўлиқ устунлик асосида ирсийланиши қайд қилинди.

4-жадвал

“Марокко” қатнашган биринчи авлод дурагайларида бошоқ узунлигининг ирсийланиши

№	Навлар ва дурагайлар	Бошоқ узунлиги			hp	
		X±Sx	Δ	Lim		
1	Марокко	9,00±0,2	0,62	8,0-10,0	6,96	
2	YrSp	9,00±0,2	0,73	8,0-10,0	8,21	
3	PC-1	10,9±0,2	0,73	10,0-12,0	6,76	
4	PC-3	10,2±0,2	0,66	9,0-11,5	6,52	
5	PC-4	10,5±0,3	0,86	9,2-12,0	8,23	
6	PC-5	11,5±0,3	1,00	9,5-12,5	9,39	
7	PC-8	11,9±0,3	0,93	10,0-12,6	7,82	
8	Yr10	8,8±0,2	0,73	7,8-10,2	8,35	
9	Yr15	9,8±0,1	0,42	8,8-10,0	4,60	
10	23F1	11,8±0,3	1,01	10,1-13,5	8,60	
11	23 F3	12,0±0,3	1,00	10,5-13,5	8,40	
12	Ғалларол 24	12,5±0,2	0,74	11,0-13,5	5,99	
13	Ғалларол 43	10,4±0,1	0,35	9,7-11,0	3,40	
14	Ғалларол 89	11,8±0,4	1,20	10,0-14,0	10,16	
15	Gereck 79	9,3±0,3	0,86	8,0-10,5	9,28	
16	Рақобат 4	11,2±0,3	1,08	10,0-13,0	9,66	
17	Compair	9,7±0,4	1,19	7,5-11,3	12,30	
18	Cook	8,6±0,2	0,72	7,8-10	8,43	
19	Марокко x Yr SP	10,9±0,1	1,40	9,0-13,6	12,76	1,90
20	Марокко x PC-1	12,7±0,2	0,68	11,7-13,5	5,32	2,90
21	Марокко x PC-3	10,6±0,2	1,11	8,0-12,5	10,51	1,70
22	Марокко x PC-4	10,4±0,7	3,10	9,0-12,6	30,01	0,90
23	Марокко x PC-5	11,1±0,2	0,89	9,5-12,8	8,10	0,70
24	Марокко x PC-8	0,67±0,3	1,32	8,5-12,8	12,44	0,10
25	Марокко x Yr10	9,57±0,19	0,87	8,3-11,2	9,10	6,00
26	Марокко x Yr15	9,46±0,2	0,73	7,5-10,7	7,71	-
27	Марокко x 23F1	11,5±0,2	0,76	10,3-13,0	6,63	0,80
28	Марокко x 23 F3	11,3±0,2	0,98	9,2-13,2	8,70	0,50
29	Марокко x Ғалларол 24	11,4±0,2	0,79	10,0-12,9	6,93	0,40
30	Марокко x Ғалларол 43	10,81±0,2	0,84	9,0-12,5	7,84	1,60
31	Марокко x Ғалларол 89	12,0±0,3	1,37	8,8-14,2	11,45	1,10
32	Марокко x Gereck 79	10,96±0,1	0,68	9,3-12,0	6,23	12,10
33	Марокко x Рақобат 4	11,5±0,2	0,74	10,4-12,5	6,46	1,30
34	Марокко x Compair	8,01±0,4	1,71	5,5-10,5	21,43	3,90
35	Марокко x Cook	9,93±0,3	1,20	8,0-12,5	12,09	5,50

Ушбу белги иккинчи гуруҳ комбинацияларида, яъни Марокко нави қатнашган комбинацияларида қандай ҳолатда бўлганлигини таҳлил қилсак, ушбу гуруҳ комбинацияларида бироз ўзгача ҳолат кузатилди (4-жадвал).

Жадвалда кўришиб турганидек, ушбу реципиент қатнашган дурагай авлодларда юқоридаги “24Z назорат” реципиентга қараганда, бошоқ узунлиги 6 комбинацияда тўлиқсиз устунлик билан ирсийланиди. Бу гуруҳ чатиштиришларининг биринчи авлодларида бошоқ узунлиги белгиси бўйича аввалги реципиентга қараганда тўлиқсиз устунлик кескин кўпайди, ушбу даража аввалги комбинацияда деярли учрамаган эди. Бундан ташқари устунлик даражалари ҳам кескин паст бўлганлиги кузатилди. Ушбу гуруҳ чатиштиришларининг МароккоХCompair комбинациясида эса, биринчи гуруҳ комбинацияларида учрамаган ҳолат, тўлиқсиз салбий устунлик ҳолати ҳам кузатилди.

Биринчи гуруҳда қатнашган “24Z назорат” генотипининг бошоқ узунлиги 10,6 смни, иккинчи гуруҳда қатнашган “Марокко” навининг бошоқ узунлиги эса 9,0 смни ташкил қилганлигини эътиборга олсак, 3 ва 4 жадвал натижаларига кўра, биринчи авлодларда узун бошоқлар қисқароқ бошоқларга нисбатан юқори кўрсаткичли ижобий ҳолатда бўлиши хулоса қилиниши мумкин.

2- жадвалдаги ҳолатда эса, она ўсимлик “Марокко” нави ҳам сариқ занг касаллигига чидамсиз сифатида бир қанча чидали ота генотиплар билан чатиштирилди ва бошоқ қилтиқчилиги бўйича эса она ўсимлик қилтиқли бўлиб, чатиштирилган комбинацияларнинг аксариятида қилтиқли+қилтиқли ҳолатда эди. Натижалардан кўришиб турганидек, иккита комбинацияда қилтиқли+қилтиқсиз ҳолатда чатиштирилди ва ҳар икки комбинациянинг 100 фоиз дурагайлари қилтиқсиз ҳолатда бўлди. Демак иккинчи гуруҳ дурагай комбинацияларда ҳам қилтиқсизликнинг тўлиқ доминантлиги кузатилди.

1-жадвалдаги маълумотларда “24Z назорат” генотиби сариқ занг касаллигига чидамсиз бўлиб, унга чатиштирилган барча ота генотиплар ушбу касалликка чидамсиздир. Бошоқ қилтиқчилиги эса, чидамсиз она “24Z назорат” генотиби қилтиқсиз ҳолатда бўлиб, ота ўсимликлар турли ҳолатда, ҳам қилтиқсиз ва ҳам қилтиқли шаклда бўлди, демак комбинациялар ҳам қилтиқли ва қилтиқсиз, қилтиқсиз ва қилтиқсиз ҳолатда амалга оширилди. Жадвалда кўриниб турган маълумотга назар ташласак, бу ерда 28 комбинациядан 19 сида қилтиқли ва қилтиқсиз ота-она шакллар чатишган ва бу ҳолатда, яъни қилтиқли ва қилтиқсиз ота-она шакллар чатишганда, 100 фоиз ҳолатда барча дурагайларда қилтиқсизлик кузатилди, қилтиқсизлик қилтиқлилиқ устидан барча ҳолатда доминантлик намоён қилаверди. Худди шундай ҳолат чидамсиз Моракко реципиентида ҳам кузатилди ва у ерда ҳам барча ҳолатларда қилтиқсизликда тўлиқ доминантлик намоён бўлди (2-жадвал).

Демак, биринчи ва иккинчи гуруҳ чатиштиришларининг 40 дан ортиқ комбинацион дурагайларида бошоқ қилтиқчилиги ва бошоқ узунлиги белгилари бўйича ўтказилган таҳлилларига кўра бошоқ қилтиқчилиги биринчи авлод популяцияларида 100 фоиз ҳолатда рецессив ҳолатда бўлиши, бошоқ узунлиги белгиси эса она генотипларга ва бошоқ узунлигига боғлиқ равишда тўлиқ ва тўлиқсиз устунлик, тўлиқсиз салбий устунлик ҳолатларда бўлиши мумкин. Ушбу натижалардан келиб чиқиб, селекцион лойиҳаларда қатнашаётган ота-она генотипларидаги муҳим хўжалик белгиларининг биринчи авлодда қайси ҳолатда ирсийланишини олдиндан хулоса қилиш мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. –Москва, Агропромиздат, 1985. –С.-344
2. Andreas Maurer, Vera Draba and Klaus Pillen. 2016. Genomic dissection of plant development and its impact on thousand grain weight in barley through nested association mapping. Journal of Experimental Botany, Vol. 67, No. 8 pp. 2507–2518, doi:10.1093/jxb/erw070 Advance Access publication, 1 March 2016, 2507-2518
3. Beil G.M., Atkins R.E. 1965. Inheritance of quantitative characters in grain Sorghum //Iowa state journal of science, V 39. #3. P 35-37
4. Buckler, E.S. et al. The genetic architecture of maize flowering time. Science 325, 714–718 (2009)
5. Chen X. M. HTAP resistance, the key for sustainable control of stripe rust // Fourth Regional Yellow Rust Conference For Central & West Asia, and North Africa: Antalya, 2009. P-18.
6. Edward S. Buckler et. al. (2009). "The Genetic Architecture of Maize Flowering Time". Science. **325** (5941):714–718. doi:10.1126/science.1174276. PMID 1966 1422.
7. Hovmöller M. S. and Justesen A. F. Rates of evolution in Puccinia striiformis // 12th International Cereals Rusts and Powdery Mildews Conference. Antalya, 2009. p-21
8. Jin Y, Szabo LJ, Carson M. Century-old mystery of Puccinia striiformis life history solved with the identification of Berberis as an alternate host // Phytopathology, 2010. 100:432-435.
9. Kolmer J., Chen X., and Jin Y. Diseases which challenge global wheat production-The wheat rusts. 2009. Pages 89-124 in: Wheat, Science and Trade. B. E. Carver, ed. Wiley-Blackwell, Ames, IA.
10. Maurer A, Draba V, Jiang Y, Schnaithmann F, Sharma R, Schumann E, et al. Modelling the genetic architecture of flowering time control in barley through nested association mapping. BMC Genomics. 2015; 16:290. <https://doi.org/10.1186/s12864-015-1459-7> PMID:25887319; PubMed Central PMCID:PMC4426605
11. McIntosh R (ed) Proc Oral Papers and Posters, 2009 Technical Workshop, BGRI, Cd. Obregón, Sonora, Mexico, 2009. pp77–87
12. Prabin Bajgain, Matthew N. Rouse, Toi J. Tsilo, Godwin K. Macharia, Sridhar Bhavani, Yue Jin, James A. Anderson “Nested Association Mapping of Stem Rust Resistance in Wheat Using Genotyping by Sequencing”. PLOS ONE | DOI:10.1371/journal.pone.0155760 May 17, 2016, 1-22
13. Thomas Vatter, Andreas Maurer, Doris Kopahnke, Dragan Perovic, Frank Ordon, Klaus Pillen. 2017. “A nested association mapping population identifies multiple small effect QTL conferring resistance against net blotch (Pyrenophora teres f. teres) in wild barley”. PLOS ONE | <https://doi.org/10.1371/journal.pone.0186803> 1-20.

ЎУК:633.11;632.9

БУҒДОЙНИНГ САРИҚ ЗАНГ КАСАЛЛИГИГА ЧИДАМЛИЛИК БЎЙИЧА УАК ПОПУЛЯЦИЯСИДА ҲОСИЛДОРЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Х.С. Тўрақулов, PhD, С.К. Бабоев, б.ф.д., проф., Д.Э. Қулмаматова, PhD, Д.Ш. Эржигитов, к.и.х., ЎзРФА Генетика ва ЎЭБ институти, Тошкент

Аннотация: Мақолада бугдойнинг биринчи авлод УАК популяцияларида ҳосилдорлик белгиларининг юқори кўрсаткичларга эга бўлишида она шакл билан бир қаторда, ота шакл генларининг ҳиссаси юқори эканлиги ва ҳосилдорлик элементлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик таҳлиliga кўра, ота-она шаклларида кучли ижобий корреляцион боғлиқлик бошоқ оғирлиги ва бошоқ

дон вазни ($r=0,93$), бошоқ оғирлиги ва бошоқдаги дон сони ($r=0,76$), бошоқдаги дон сони ва бошоқдаги дон вазни ($r=0,78$) ўртасида бўлишини кўрсатган.

Калит сўзлар: юмшоқ бугдой, УАК популяция, ҳосилдорлик, сариқ занг, чидамлилилик, корреляция

Аннотация: В статье приведены результаты, свидетельствующие о том, что в первом поколении популяций УАК вместе гены материнской формы и гены отцовских форм играли важную роль при наличии элементов высокой продуктивности. Согласно анализу корреляционных связей элементов продуктивности родительских форм, была обнаружена высокая положительная корреляция между весом колоса и весом зерна в колосе ($r = 0,93$), массой колоса и количеством зерна в колосе ($r = 0,76$), количеством зерна в колосе и массой зерна в одном колосе ($r=0,78$).

Ключевые слова: мягкая пшеница, КСА популяция, урожайность, желтая ржавчина, устойчивость, корреляция

Abstract: In the article showed results that in the first generation of NAM populations together genes of maternal form also genes of paternal forms played importance on having high productivity elements. According to the analysis of correlative relations of productivity elements of the parent forms, high positive correlation was observed between spike weight and spike grain weight ($r=0,93$), spike weight and spike grain number ($r=0,76$), spike grain number and spike grain weight ($r = 0,78$).

Key words: bread wheat, NAM populations, yield, yellow rust, resistance, correlation

Кириш. Юмшоқ бугдой дунё аҳолисининг энг асосий экини бўлиб, ушбу экин махсулотларига бўлган талаб ер юзида ахоли сонининг ортиб бориши хисобига кескин ошиб бормоқда. Ер ресурслари камаётган бугунги кунда эса ошиб бораётган эҳтиёжни қишлоқ хўжалигида фойдаланаётган ерларни кенгайтириш хисобидан эмас, балки майдон бирлигидан олинадиган ҳосилдорликни ошириш орқали кондиришни давр ва шароит талаб этмоқда. Майдон бирлигидан олинадиган ҳосилдорликни оширишда экинга зарар келтираётган зарарли омилларнинг салбий таъсирини камайтириш катта амалий аҳамият касб этади.

Ўсимликларда чидамлилиكنинг генетик тузилиши устида охириги вақтларда замонавий молекуляр генетик усуллари ёрдамида кенг кўламли тадқиқотлар ўтказилиб, ана шундай тадқиқотлардан бири бу изоген линиялар ёрдамида уяли ассоциация карталашдир (УАК). Ушбу усул биричи марта 2009 йили маккажухори генетикаси устида ўтказилаётган тадқиқотларда қўлланилиб, ҳозирда ўсимликларнинг мураккаб белгилари, генетик тузилишини очишда ўзининг қулайликлари туфайли кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Аввало маккажухорида қўлланилган уяли ассоциациядаги карталаш [4], кейинчалик бугдой [6] ва арпада [5] ҳам қўлланилди.

Генетик ва селекцион тадқиқотларда селекцион ашёларни интеграл баҳолашнинг турли усуллари қўлланилади, чунки ҳар бир тизма, дурагай, шаклларни алоҳида белгилар бўйича эмас, бириккан комплекс орқали баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Бундай белгиларнинг бир бирига боғлиқлик даражалари таҳлиллари киради. Тадқиқотлар учун ота-она генотипларини танлашда фақат битта белгига асосланмаслик лозим. Ташқи муҳит шароитларида ўзгарувчан ўсимлик белгиларини асосан селекцион жараёнларда ўрганиш зарур бўлиб, нафақат белгилар, балки улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳам ўзгарувчанликка олиб келиши мумкин [3].

Корреляция даражаси қийматлари ёрдамида генотип ва шунингдек, фенотип даражасида турли хил белгилар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш, бундан ташқари ташқи муҳит омиллари билан ўзаро боғлиқликни ўрганиш ва белгиларнинг ота-она шакллардан авлодларга узатилиши қонуниятларига ойдинлик киритиш имкони юзага келади.

Ўсимликларнинг миқдорий белгилари тасодифий қийматлар ҳисобланиб, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик фақат статистик ёки корреляцион тавсифга эга бўлиши мумкин. Бунда битта белгининг маълум бир аниқ қийматлари бошқаларининг бир нечта қийматларига мос келиши мумкин [7].

Материал ва услублар. ЎзР ФА Генетика ва ЎЭБ институтида ҳам ушбу усул асосида бугдойнинг сариқ занг касаллигига чидамлилилик белгисини ўрганиш устида тадқиқот ишлари ўтказилиб, биринчи авлод УАК популяциялари яратилди. Қуйида ота-она шаклларида белгиларнинг ўзаро боғлиқлиги ва биринчи авлод популяцияларида ҳосилдорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Таҷрибаларда бугдойнинг УАК популяцияси рекомбинант инбред линиялари ёрдамида сариқ занг касаллигига чидамлилиكنи ўрганиш учун занг касаллигига чидамсиз Марокко нави ва занг касаллигига чидамли Yr10, Yr15, СИММИТ генофондидан олинган РС-1, 3, 5, 8, 23F-1, 3, Gereck 79,

Compair, Cook навлари, маҳаллий навлардан Ғаллаорол-24, 43, 89, Рақобат-4 навлари ўртасида бекросс чатиштиришлар ўтказилган.

Статистик таҳлиллар Доспехов усулида [1] ва белгилар ўртасидаги корреляция даражаси ANOVA STATGRAPHICS дастурида ҳисобланди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Тажриба учун танлаб олинган ва гибридологик таҳлилда ота-она шакллар сифатида фойдаланилган юмшоқ буғдой навлари занг касаллигига чидамлилиги ва ҳосилдорлик элементлари жиҳатидан бир биридан фарқ қилади. Ҳосилдорлик белгиларининг кай даражада бир бири билан боғлиқлигини аниқлаш мақсадида ўрганилган ота-она шаклларида корреляция даражаси ҳисоблаб чиқилди (1-жадвал).

Бунга кўра, ўрганилган навларда ҳосилдорлик белгиларининг ўзаро корреляцион боғлиқлиги таҳлил қилинганда бошоқ узунлиги белгиси бошоқчалар сони, бир бошоқ оғирлиги, бир бошоқдаги дон сони ва вазни (мос равишда $r=0,58$; $r=0,59$; $r=0,53$; $r=0,57$) билан ўртача ижобий боғлиқликка, маҳсулдор тупланиши билан ($r=0,22$) кучсиз ижобий боғлиқлик аниқланди. Бошоқдаги бошоқчалар сони эса барча ҳосилдорлик элементлари билан ўртача ижобий боғлиқлик (мос равишда $r=0,64$; $r=0,59$; $r=0,37$) эга бўлса, маҳсулдор тупланиш билан кучсиз ($r=0,02$) боғлиқликни намоён қилди. Бир бошоқ оғирлиги белгиси бошоқдаги дон вазни ($r=0,93$) ва бошоқдаги дон сони ($r=0,76$) билан, бошоқдаги дон сони ва бошоқдаги дон вазни ($r=0,78$) ўртасида кучли ижобий боғлиқликка эга бўлди. 1000 дон дон вазни белгиси барча ҳосилдорликни таъминловчи белгилар билан ўртача ва кучсиз ижобий боғлиқликка эга бўлиб, маҳсулдор тупланиш билан эса асосан кучсиз ижобий боғлиқлик кузатилди.

Олинган натижалар ўсимлик тупланиши билан бошоқ узунлиги, бошоқдаги бошоқчалар сони каби ҳосилдорлик элементлари кучсиз боғлиқликка эга эканлигини кўрсатди. Буни ўсимлик қанча кўп тупланса, ўсимлик ўзлаштирган озуқа элементлари шунча кўп бошоқларга бўлиниши ва улар улушининг оз миқдорда бўлса тегишли белги учун камайиши билан боғлаш мумкин. Тупланишнинг юқори бўлиши ҳосилдорлик элементларига биринчидан кучсиз даражада таъсир қилмоқда, гарчи битта бошоқдаги ҳосилдорлик элементлари кучсиз даражада камайсада, ўсимликдаги умумий дон сони ва дон оғирлиги кескин ошиши ҳисобига ўсимликнинг маҳсулдорлиги ва умумий дон ҳосилдорлиги кескин ошади.

Буғдойда сариқ занг касаллиги катта майдонларга тез тарқалиб ҳосилга катта зарар етказди. Занг билан зарарланган буғдой ўсимликларида дон сифати пасайиши, доннинг пуч бўлиб қолиши кузатилади. Бу ҳолат занг касаллигига чидамсиз бўлган Марокко навида кузатилиб, бир бошоқдаги дон сони ўртача 75,9 та бўлишига қарамай бир бошоқдаги дон оғирлиги 2,6 граммга, 1000 дон дон вазни эса 33,4 граммга тенг бўлган. УАК популяциясини яратишда чидамли нав сифатида иштирок этган барча 17 та тизма ва навларда бир бошоқдаги дон сони Марокко навида нисбатан кам бўлишига қарамай 1000 дон дон вазнига нисбатан юқори эканлиги кузатилди. Булардан РС-1 ва РС-4 тизмаларида ҳамда Ғаллаорол 89 навида бир бошоқдаги дон сони мос равишда 56,1 та, 67,8 та, ва 64,1 та бўлиб, 1000 дон дон вазни 53,5; 50,5 ва 52,0 граммга тенг бўлди, бу намуналарда бошоқдаги донлар тўлиқ ва йирик эканлиги аниқланди (2-жадвал).

Буғдойда миқдорий белгилар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик мавзуси устида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борган россиялик олим Мухордова М.Е. ўз ишларида ҳам шу каби натижаларни қайд этган [2].

УАК популяциясини яратиш мақсадида ўтказилган 17 та комбинацияда ҳосилдорлик элементлари таҳлил қилинганда бошоқ узунлиги белгиси бўйича ота-она шакллар узун бошоқларга эга бўлсада, баъзи комбинацияларда устунлик ҳолати, яъни ота-она шаклларга нисбатан узун бошоқларга эга бўлганлиги кузатилди. Биргина Марокко х Compair дурагайи нисбатан паст кўрсаткичга эга бўлди.

1-жадвал

УАК популяцияси ота-она шаклларида ҳосилдорлик белгиларининг корреляцион боғлиқлиги

	Бошоқ узунлиги	Бошоқдаги бошоқчалар сони	Бир бошоқ оғирлиги	Бошоқдаги дон сони	Бошоқдаги дон вазни	1000 дон дон вазни	Тупланиш
Бошоқ узунлиги	1	0,58	0,59	0,53	0,57	0,36	0,22
Бошоқдаги бошоқчалар сони		1	0,64	0,59	0,64	0,37	0,02
бир бошоқ оғирлиги			1	0,76	0,93	0,48	0,23
Бошоқдаги дон сони				1	0,78	0,08	0,12
Бошоқдаги дон вазни					1	0,48	0,23

1000 донна дон вазни					1	0,14
Тупланиш						1

2-жадвал

Марокко реципиент нави қатнашган биринчи авлод ўсимликларида айрим ҳосилдорлик элементлари кўрсаткичлари

№	Навлар ва дурагайлар	Бошоқ узунлиги	Бир бошоқдаги дон сони	Бир бошоқдаги дон оғирлиги	1000 донна оғирлиги
1	Morocco	9,00±0,2	75,9±2,7	2,6±0,2	33,4±1,3
2	YrSp	9,00±0,2	45,0±1,5	2,0±0,1	48,0±1,2
3	PC-1	10,9±0,2	56,1±2,3	2,9±0,1	53,5±2,1
4	PC-3	10,2±0,2	62,0±2,6	2,8±0,2	45,6±2,1
5	PC-4	10,5±0,3	67,8±1,9	3,4±0,1	50,5±0,9
6	PC-5	11,5±0,3	52,5±2,9	2,5±0,2	48,0±1,7
7	PC-8	11,9±0,3	51,5±2,3	2,4±0,1	46,6±1,4
8	Yr10	8,8±0,2	40,8±1,9	1,6±0,1	39,5±1,4
9	Yr15	9,8±0,1	39,4±2,3	1,5±0,1	38,1±1,2
10	23F1	11,8±0,3	57,5±1,8	2,7±0,1	45,8±1,5
11	23 F3	12,0±0,3	64,6±1,7	2,3±0,2	35,5±1,4
12	Ғалларол 24	12,5±0,2	69,8±3,1	3,0±0,2	44,5±1,4
13	Ғалларол 43	10,4±0,1	56,4±1,5	2,2±0,1	46,4±2,6
14	Ғалларол 89	11,8±0,2	64,1±3,5	3,2±0,2	52,0±2,9
15	Gereck 79	9,3±0,3	42,9±1,6	1,5±0,1	37,4±1,4
16	Raqobat 4	11,2±0,3	63,3±3,2	2,6±0,1	41,5±1,0
17	Compair	9,7±0,4	51,6±2,2	1,6±0,1	39,2±2,2
18	Cook	8,6±0,2	41,2±2,4	1,6±0,1	37,9±1,2
19	Марокко х Yr SP	10,9±0,1	59,4±4,1	2,4±0,1	38,4±1,8
20	Марокко х PC-1	12,7±0,2	69,4±2,0	3,5±0,1	44,7±1,2
21	Марокко х PC-3	10,6±0,2	81,2±3,9	3,1±0,1	41,8±1,3
22	Марокко х PC-4	10,4±0,7	80,2±7,2	2,5±0,2	36,5±3,5
23	Марокко х PC-5	11,1±0,2	59,2±2,2	2,1±0,2	43,3±2,3
24	Марокко х PC-8	10,7±0,3	79,4±3,1	3,6±0,1	48,5±1,5
25	Марокко х Yr10	9,6±0,19	95,8±3,6	3,2±0,2	41,4±1,2
26	Марокко х Yr15	9,46±0,2	72,2±2,6	2,9±0,2	39,3±1,1
27	Марокко х 23F1	11,5±0,2	88,8±3,9	4,1±0,2	46,8±1,7
28	Марокко х 23 F3	11,3±0,2	62,6±4,9	3,2±0,2	43,9±1,3
29	Марокко х Ғалларол 24	11,4±0,2	84,8±3,9	3,5±0,2	45,0±1,5
30	Марокко х Ғалларол 43	10,8±0,2	55,2±2,5	2,6±0,1	44,9±1,7
31	Марокко х Ғалларол 89	12,0±0,3	104,0±7,4	4,1±0,2	40,7±1,8
32	Марокко х Gereck 79	10,9±0,1	72,8±4,7	2,5±0,2	33,4±0,9
33	Марокко х Рақобат 4	11,5±0,2	83,4±2,4	3,6±0,3	39,8±1,2
34	Марокко х Compair	8,01±0,4	45,4±3,0	1,8±0,1	38,4±0,8
35	Марокко х Cook	9,9±0,3	52,6±1,2	2,1±0,1	37,4±1,1

F₁ ўсимликлардаги бир бошоқдаги дон сони таҳлил қилинганда Марокко х Ғалларол 89 дурагайида (104 донна), Марокко х Yr10 (95,8 донна), Марокко х 23F1 (88,8 донна) ўта кучли гетерозис кузатилиб, бу комбинацияларда энг юқори кўрсаткичга эга бўлди. Ота шакл сифатида иштирок этаётган чидамли донор генотиплар PC-1, PC-3, PC-8, 23F1 навларида бир бошоқдаги дон вазни ўртача 2,5 грамм, 1000 донна дон вазни эса 45 граммдан юқори бўлди.

Шу навлар иштирокидаги комбинацияларда ҳосил элементларининг бошқа нав ва F₁ дурагайларига нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлиши бошоқдаги донларнинг тўла ва йириклигини билдиради. Тажрибада она шакл генида чидамсизлик белгиси устун бўлишига қарамасдан, биринчи авлод дурагайларида ҳосилдорлик белгиларининг юқори кўрсаткичларга эга бўлиши, ота шакл генларининг ҳиссаси юқори эканлигини билдиради. 1000 донна дон вазни кўрсаткичлари бўйича энг юқори кўрсаткич СИММИТ генофондидан олинган PC-8 (48,5±1,5г.), 23F-1 (46,8±1,7г.), PC-1 (44,7±1,2г.) навлари иштирокида олинган дурагайларда кузатилган бўлса, маҳаллий навлардан Ғалларол 24, 43 (45,0±1,5; 44,9±1,7 г.) иштирокида олинган дурагайларда кузатилди. Умумий хулоса ўрнида, юмшоқ бугдойда уяли ассоциацияли карталаш (УАК) популяциясининг ота- она шаклларида ҳосилдорлик ўртасидаги энг юқори кучли ижобий корреляцион боғлиқлик бир бошоқ оғирлиги ва бошоқ дон вазни (r=0,93), бошоқ оғирлиги ва бошоқдаги дон сони (r=0,76), бошоқдаги дон сони ва бошоқдаги дон вазни (r=0,78) ўртасида бўлганлигини таъкидлаш мумкин.

Юмшок бугдойда сариқ занг касаллигига чидамли навлар яратилишида қўлланилаётган УАК популяциларидан фойдаланиш яхши самара бериши, чидамлик белгисининг биринчи авлод ўсимликларида устунлиги, ўз навбатида ҳосилдорлик элементларининг ҳам юқори кўрсаткичга эга бўлиши, кейинги юқори авлодларда сариқ занг касаллигига чидамли ва юқори ҳосилли навлар олиш мумкин эканлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. –Москва, Агропромиздат, 1985. –С.-344
2. Мухордова М.Е. Корреляционный и путевой анализ признаков продуктивности гибридов озимой пшеницы//Вестник Алтайского государственного аграрного университета. 2014, № 6 (116). -С. 6-8.
3. Мухордова М.Е., Калашник Н.А. О корреляционном и путевом анализе элементов продуктивности гибридов F₁ яровой мягкой пшеницы // Сельскохозяйственная биология. -2010. -№ 3. -С. 54-59.
4. Edward S. Buckler et. al. "The Genetic Architecture of Maize Flowering Time". Science. **325** (5941): 2009; P.714–718. doi:10.1126/science. 1174276. PMID 19661422.
5. Maurer A, Draba V, Jiang Y, Schnaithmann F, Sharma R, Schumann E, etal. Modelling the genetic architecture of flowering time control in barley through nested association mapping. BMC Genomics. 2015; 16: C. 290. <https://doi.org/10.1186/s12864-015-1459-7>
6. Prabin Bajgain, Matthew N. Rouse, Toi J. Tsilo, Godwin K. Macharia, Sridhar Bhavani, Yue Jin, James A. Anderson "Nested Association Mapping of Stem Rust Resistance in Wheat Using Genotyping by Sequencing". PLOS ONE | DOI:10.1371/journal.pone.0155760 May 17, 2016; C. 1-22
7. Седловский А.И., Тюпина Л.Н., Новохотин В.В. Изучение нетрадиционных методов селекции самоопыляющихся культур // Проблемы теоретической и прикладной генетики в Казахстане: матер. Респ. конф. – Алма-Ата, 1990; С. 4-5.

УЎТ: 631:581.1: 633.11:16

“ИХТИЁР” АРПА НАВИНИНГ ДАЛА УНУВЧАНЛИГИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

З.И.Усаров, қ.х.ф.ф.д., Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Фаллаорол илмий-тажриба станцияси, Фаллаорол

Аннотация: Мақолада “Ихтиёр” арпа навини турли муддатларда экишинг дала унувчанлигига таъсири ҳар хил бўлганлиги аниқланган. Тадқиқотда энг мақбул экиш муддати аниқланган, кеч муддатларда экилган уруғларнинг дала унувчанлигининг камайиши, 1 м² да ўсимликлар сони, тупланиш ва дон ҳосилдорлигига салбий таъсири келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: уруғ, унувчанлик, қишга чидамлик, нав, пайкалча, ҳосилдорлик.

Аннотация: В статье приведены сведения о том, что в различных сроках посева ячменя сорта “Ихтиёр” действие на всхожесть семян была различной. В исследовании определен оптимальный срок посева, показано отрицательное воздействие на всхожесть, число всходов в 1 м² и на урожайность поздних сроков посева.

Ключевые слова: семена, всход, морозоустойчивость, сорт, питомник, урожайность.

Annotation: The article presents the results of the research conducted to study the resistance to adverse factors and the resulting grain yield, grain nature, 1000 grain weight, the number of grains in the ear.

Key words: Seeds, shoot, frost resistance, variety, nursery, yield.

Кириш. Арпа жаҳон миқёсида куз ва баҳорда экилади, кузда экиладиган навлари нисбатан совуққа чидамли бўлиб, баҳорда экиладиган арпага нисбатан мўл ҳосил беради. Мамлакатимизда арпа деярли кузда экилади. Одатда, кузда экиладиган арпа баҳорда экилганига қараганда эрта пишиб ҳосили йиғиб-янчиб олингандан сўнг (сувли ерларда), такрорий экин экишга ер бўшайди, бу эса экилган такрорий экинлардан қайта ҳосил олишга имкон беради.

Кузги арпанинг экиш меъёрлари минтақанинг тупроқ - иқлим шароити, уруғлик дон сифати, экиш усули ва муддатлари, ўғитлаш, суғориш ва экиладиган навларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда белгиланади. Ўстириш шароитларини барчаси бир хил бўлганда эртапишар навлар кечпишар навларга нисбатан катта меъёрларда экилади. Эртапишар навлар кам тупланади, фотосинтез маҳсулотларини кечпишар навларга нисбатан кам ҳосил қилади ва кечпишар ҳамда тезпишар навлар бир хил меъёрда экилганда тезпишар навлар ҳосили кам бўлади [3-5].

Уруғларнинг дала унувчанлиги уруғларнинг сифатига, агротехник тадбирларга, тупрок – клим шароитларига, майсаларнинг касаллик ва зараркундалар билан зарарланишига ҳамда бошқа омилларга боғлиқ бўлади [2].

Тадқиқотнинг мақсади. Суғориладиган майдонлар учун 2015 йилда Давлат реестрига киритилган “Ихтиёр” арпа навининг энг мақбул экиш муддатини аниқлаш ва фермер хўжаликларига амалий тавсиялар бериш.

Тадқиқот услуби. Тажриба майдонларини экишга тайёрлаш, экиш ва озиклантириш ДДЭИТИ Ғаллаорол илмий-тажриба станциясида ишлаб чиқилган меъерий агротехник тадбирлар ва тавсияларга амал қилинган ҳолда олиб борилди.

Илмий-тадқиқот ишларини кузатиш ва биометрик ўлчовлар тоқ қайтариқларда олиб борилди.

Уруғларни дала унувчанлигини ва ўсимликларнинг туп қалинлигини қишлоғга кетиш олдидан, қишловдан кейин ва ҳосилни йиғиштиришдан олдин доимий кузатиш олиб бориладиган 1 м² майдончаларда, пайкалчани диагонали бўйича ҳисоблаш олиб борилди ва маълумотлар Б.А.Доспехов [1] бўйича математик статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқот 2015-2018 йилларда Арпа селекцияси ва уруғчилиги лабораториясининг суғориладиган тажриба майдонида олиб борилди. Тадқиқот объекти сифатида “Ихтиёр” арпа нави танлаб олинди. Илмий тадқиқотимизда экиш оптимал муддатдан эрта ёки кеч ўтказилганда, уруғларнинг дала унувчанлиги пасайганлиги аниқланди.

“Ихтиёр” арпа навининг дала унувчанлиги экиш муддатларига боғлиқ ҳолда ўзгарди. 1 м² даги ўсимликлар сони ҳисобланганда эрта 1 октябрда экилганда 359 дона ўсимлик униб чиқди ёки дала унувчанлиги 89,7% ни ташкил қилди. 15 октябрда экилганда 1 м² да 381 дона ўсимлик униб чиқди ва дала унувчанлиги 95,3% ни ташкил қилди. Экиш муддатларининг кечикиб бориши билан уруғларнинг дала унувчанлиги ҳам ўзгариб борди. 1 ноябрда экилганда 1 м² да 369 дона ўсимлик униб чиққан бўлса, дала унувчанлиги 92,2%, 15 ноябрда экилганда бу курсаткич 341 донани ёки 85,2% ни ташкил қилди. Экиш муддатларига боғлиқ ҳолда 1 м² да униб чиққан ўсимликлар сони 341 донадан 381 донагача ўзгарди, дала унувчанлиги фоиз ҳисобида 85,2% дан 95,3% гача ўзгарди (1-жадвал).

Қишлаб чиққан ўсимликлар сони униб чиққан ўсимликлар сонига нисбатан таққослаганда экиш муддатининг кечикиши билан уларнинг камайиши кузатилди. 1 октябрда экилган пайкалчада 1 м² даги ўсимлик сони 301 дона бўлиб бу униб чиққан ўсимликларга нисбатан 83,8% ни ташкил қилди. 15 октябрда экилган пайкалчаларда қишлаб чиққан ўсимликлар сони энг юқори бўлди ва 1 м² да 332 донани ташкил қилди (87,1%).

1-жадвал

**“Ихтиёр” арпа навининг дала унувчанлигига экиш муддатларининг таъсири
(Ғаллаорол 2015-2018 йй.)**

Кўрсаткичлар	2015-2018 йй.			
	1 октябрь	15 октябрь	1 ноябрь	15 ноябрь
Экиш муддатлари				
Экилган уруғ сони, дона	400	400	400	400
1 м ² униб чиққан уруғлар сони, дона	359	381	369	341
Уруғларнинг дала унувчанлиги,%	89,7	95,3	92,2	85,2
1 м ² қишлаб чиққан ўсимликлар сони, дона	301	332	312	283
Қишлаб чиққан ўсимликлар,%	83,8	87,1	84,5	82,9
Ҳосилни йиғиштиришгача сақланган ўсимликлар сони, 1 м ² /дона/ %	219 / 54,7	261 / 65,2	234 / 58,5	205 / 51,2

Экиш муддатини кечикиши билан ўсимликларнинг қишга чидамлиги ҳам пасайди. 1 ноябрда экилган пайкалчаларда 1 м² да 312 дона ўсимлик қишлаб чиққанлиги аниқланди ва бу 84,5% ни ташкил қилди. Экиш муддати кеч 15 ноябрда бўлган пайкалчада қишлаб чиққан ўсимлик 283 дона ёки 82,9% ни ташкил қилди.

Ҳосилни йиғиштиришдан олдин 1 м² да сақланиб қолган ўсимликлар сони саналганда экиш муддатларига боғлиқ ҳолда 205 донадан 261 донагача ўзгарди. Энг юқори ҳосилни йиғиштиришгача сақланган ўсимликлар 10 октябрда экилган пайкалчада 1 м² да 261 дона ва энг паст кўрсаткични 15 ноябрда экилган пайкалчада 1 м² да 205 дона бўлганлиги аниқланди.

Хулоса. Дала шароитида олиб борилган тажрибалардан маълум бўлдики, “Ихтиёр” арпа навининг дала унувчанлиги экиш муддатларига боғлиқ ҳолда сезиларли даражада ўзгарди. Энг оптимал муддатда экилган (15 октябрь) пайкалчада дала унувчанлиги энг юқори кўрсаткични намоён қилди. Экиш муддатининг кечикиши билан уруғларнинг дала унувчанлиги ҳам тажриба давомида

кечкикиб борди. Бу эса ўз навбатида ўсимликнинг қалинлигига, ҳосилни ўриш вақтида мавжуд туп сонига, ҳосилдор поя сонига ва ҳосилдорликнинг пасайишига кучли таъсир қилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта, Москва Агропромиздат, 1985, 176-178 с.
2. Курбанов Г.К. Донли экинлар уруғшунослиги. Тошкент “Ўқитувчи” 1980, 49-85 б.
3. Курбанов Г.К. Научные основы обновления семян пшеницы и ячменя//Вестник региональной сети по внедрению сортов пшеницы и семеноводству. № 2. Алматы, 2001. ст.14.
4. Маматкулов Т. Исходный материал для создания сортов ячменя интенсивного типа в условиях поливного земледелия Узбекистана. Автореферат дисс. канд.с.-х. наук. Ташкент 1993 г.-20 с.
5. Ходжакулов Т. Селекция кормовых сортов ячменя и мягкой пшеницы интенсивного типа, особенности их семеноводства и сортовой агротехники в орошаемой зоне Узбекистана. дис. док. с.-х. наук. Санкт-Петербург 1991 г. 202-238 с

ЎУК:633.853.52:631.531.1:581.19. 633.5.(470.62)

БУХОРО ВИЛОЯТИДА ЕТИШТИРИЛГАН СОЯ НАВЛАРИДАГИ ФОТОСИНТЕЗ МАҲСУЛДОРЛИГИНИНГ БОРИШИ

М.К. Ҳамроева, изланувчи, БухМТИ, Бухоро

Аннотация: Баргинг CO_2 ассимиляциясида пояда жойлашиши муҳим аҳамиятга эга. Кузатишларда соя навларининг гунчалаш, гуллаш, гулашнинг охири ёки дуккак ҳосил қилиши ва пишиши фазаларида фотосинтез маҳсулдорлик ўрганилди. Олинган маълумотларга кўра, “Парвоз” ва “Дўстлик” навларида гунчалаш фазаси 7-11 кунга кечроқ бошланди. “Славия” ва “Олимпия” навларида бу фазалар олдинроқ бошланди, аммо фотосинтез маҳсулдорлиги ўртасида катта фарқ кузатилмади.

Калим сўзлар: фотосинтез, ёруғлик, гунчалаш фазаси, фотосинтез маҳсулдорлик, спектр, фотосинтез интенсивлиги, баргинг CO_2 ассимиляцияси, ярус.

Аннотация. При ассимиляции CO_2 важно размещение листьев на стебле. В ходе наблюдений была изучена эффективность фотосинтеза в фазах бутонизации, цветения, в конце цветения или при образовании клубней и в фазе спелости. Согласно полученным данным, фаза бутонизации сортов «Парвоз» и «Дустлик» началась на 7-11 дней позже. У сортов «Славия» и «Олимпия» эти фазы начались раньше, но между производительностью фотосинтеза нет большой разницы.

Ключевые слова: фотосинтез, освещение, фаза бутонизации, эффективность фотосинтеза, спектр, интенсивность фотосинтеза, CO_2 -поглощение листа, ярус.

Abstract. When assimilating CO_2 , the placement of leaves on the stem is important. In the course of the observations, the effectiveness of photosynthesis in the phases of budding, flowering, at the end of flowering or in the formation of tubers and in the ripeness phase was studied. According to the data obtained, the budding phase of the Parvoz and Dustlik varieties began 7-11 days later. In the Slavia and Olimpia varieties, these phases began earlier, but there is not much difference between the photosynthetic productivity.

Keywords: photosynthesis, illumination, budding phase, photosynthesis efficiency, spectrum, photosynthesis intensity, CO_2 absorption of a leaf, longline.


Фотосинтез жараёнида куёш радиациясининг энергияси яшил ўсимликлар томонидан қанча кўп ютилса дон ҳосили шунча кўп бўлади. Ёруғлик барча ўсимликлар ҳаётининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир. Ёруғлик, кунининг узунлиги, ёруғликнинг интенсивлиги ва унинг спектр таркиби, фотосинтез интенсивлигига, органик моддаларнинг тўпланишига, ўсимликнинг ўсишига, ривожланишига, айрим органларнинг шаклланишига таъсир қилади. Фотосинтез жараёни боришида ҳал қилувчи ролни соя ўсимлигининг кенг ва катта сатҳга эга бўлган барглари ўйнайди.

Кузатишларда соя навларининг гунчалаш, гуллаш, гулашнинг охири ёки дуккак ҳосил қилиши ва пишиши фазаларида фотосинтез маҳсулдорлик ўрганилди. Олинган маълумотларга кўра, “Парвоз” ва “Дўстлик” навларида гунчалаш фазаси 7-11 кунга кечроқ бошланди. “Славия” ва “Олимпия” навларида бу фазалар олдинроқ бошланди, аммо фотосинтез маҳсулдорлиги ўртасида катта фарқ кузатилмади. Яруслар бўйича ўрганилганда ўрта ярусда, барча навларда фотосинтез маҳсулдорлик юқори бўлди. Биринчи ярус деб 1-5 бўғимлар, ўрта ярус деганда 6-9 ва юқори ярус деб эса 9 бўғимдан юқори бўлган бўғимлардаги барглари олинди. “Парвоз” навида ўрта ярусда фотосинтез маҳсулдорлик 0,44 – 0,51 г/дм² ни ташкил қилди. Юқори ярусдаги барглари ҳам пастки ярусларга


қараганда фотосинтетик фаоллик жараёни баланд бўлганлиги кузатилди. Бу жараённинг сабаби бизнингча, пастки ярусларга қуёш нури кам тушганлигидадир.

Фотосинтез жадаллиги, мг $\text{CO}_2/\text{дм}^2$ ч.


1-диаграмма



2-диаграмма



3-диаграмма



Баргнинг CO_2 ассимиляциясида пояда жойлашиши муҳим аҳамиятга эга деган хулосага (Алиев ва Акперов, 1985; Мирзоев, 1990) келинган. Соя навларда фотосинтез маҳсулдорлигини ўрганишда биз соя навларидаги барглари жойлашишига қараб уч ярусга бўлдик. Тажрибаларда соянинг ўртапешар “Парвоз” ва “Дўстлик” назорат навлари, эртапешар “Славия” ва “Олимпия” навлари олинди. “Парвоз” нави бўйининг баландлиги 130-135 см, ўсув даври 115-120 кун, “Дўстлик” навининг поялари баландлиги 120-125 см бўлиб, ўсув даври 115-120 кунни ташкил қилади. Бу иккала навнинг морфобиологик хусусиятларига кўра, пояларида барглари сони кўп ва барг сатҳи йирик. Эртапешар “Славия” ва “Олимпия” навлари Краснодар селекциясига оид бўлиб, Краснодар шароитида ўртапешар нав ҳисобланади. Бу навлар Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган тупроқларида экилганда ўсув даври қисқариб 110 кундан 85-90 кунда пишиб етилади. Буйининг баландлиги “Славия” навида 85-90 см, “Олимпия” нави эса 70-75см ни ташкил қилади. Бу иккала нав тугалланган ён шоҳлари кам барглари учи ўткир бурчакли бўлиб барг сатҳи нисбатан кичикдир. Ушбу ўрганилган соя навлари барглари уч ярусга бўлиниб-пастки ярус, ўрта ярус ва юқори ярус бўлиб у ҳолатда фотосинтез маҳсулдорлигининг боришини ўрганилди [1,4].

Олинган маълумотлардан шу нарса маълум бўлдики, соат 12-14 ларда ҳаво ҳарорати ўзининг энг юқори нуқтасига етган бўлади ва бу вақтда фотосинтез активлигида қийин стресс жараён кетаётган бўлади. Бундай юқори ҳаво ҳарорати бўлганда ўсимликда ўзини муҳофаза қилиш жараёни бўлиб, нафас олиш тезлашади, сув режими бузилади ва хужайраларда кўпгина физиологик жараёнларнинг бориши бузилади. Кеч бўлганда ўсимликда фотосинтез активлиги сустлашиб, нафас олиш активлашади ва CO_2 чиқара бошлайди. Соя навларининг ривожланиш фазалари бўйича олган хулосалардан шу маълум бўлдики, гуллаш фазасининг бошида барча соя навларида фотосинтетик активлик бир хил бўлди [1,3].

Соя навлари баргларида фотосинтез активлигини ўрганишда олинган натижалар шуни кўрсатдики, соя навлари келиб чиқишига қарамадан икки чўққили шаклда намоён бўлди.

Фотосинтез фаоллиги эрталаб соат 9-11 да ва кечурун соат 16-18 фаол бўлади, туш пайтида ҳаво ҳарорати юқори бўлганда ўсимликда фотосинтез маҳсулдорлик тушиб кетганлиги кузатилди. “Славия” ва “Олимпия” навлари баргларида фотосинтез жараёни эрталаб соат 7 лардан бошланади ва соат 11 ларга келган энг юқори максимал нуктага боради. Соат 14-15 га келганда фотосинтез фаоллик жудаям пастлашиб боради ва 0,44 -0, 41 кал/см² мин. ташкил қилади, соат 15 дан кейин секин-аста кўтарила бошлайди [1,2,3].

Эрта ўртапишар “Нафис” навида ҳам фотосинтез жадаллик жараёни “Парвоз” ва “Дўстлик” навларига қараганда қисқароқ бўлганлиги кузатилди, аммо бу нав ҳосилдорлик кўрсаткичлари билан ўртапишар навлардан камроқ, аммо Славия ва Олимпия навларига қараганда ўсув даври узоқ ва ҳосилдорлиги юқори. Эртапишар, паст бўйли соя навлари “Славия” ва “Олимпия”да албатта фотосинтетик жадаллик даражаси муддати қисқа бўлди. Масалан “Славия” навида (23.3 мг СО₂/дм²час) ва Олимпия навида эса янада пастроқ (21.5 мг СО₂/дм²час) фотосинтетик фаоллик кузатилди.

Хулоса. Ўрганилган “Парвоз”, “Дўстлик” ва “Нафис” номли соя навлари ўртача шўрланган тупроқларда серҳосил ва фотосинтетик маҳсулдорлиги юқори бўлган навлар гуруҳига киради. Краснодардан келтирилган “Славия” ва “Олимпия” навлари бизнинг тупроқ иқлим шароитида мослашди, қисқа муддатда ҳосил бериш имконига эга. “Парвоз” ва “Дўстлик” навлари ўртача шўрланган тупроқларда юқори дон ҳосили 38,6 ц/га ва 34,7 ц/га бўлди. Шунча миқдордаги дон ҳосилини “Парвоз” нави 120-125, “Дўстлик” нави эса 115-120 кун давом этган ўсув даврида кўп сонли барглар ҳосил қилиб (барг сатҳи “Парвоз” навида 1400 см² ва “Дўстлик” навида 1301 см²) намоеън қилади. Фотосинтез жадаллиги юқори жараёни соя навларининг генератив ривожланиш фазасида, айниқса дуккақлар тўлиши фазасида қайд этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ёрматова Д.Ё. Соя в Узбекистане. Ташкент. Изд. Наука и технология 2017.34-56 стр.
2. Мякушко Ю.П. Соя Колос, Москва 1983. 275 стр.
3. Ҳамроева М.К., Ёрматова Д.Ё. Соя экотипларини шўрланган тупроқларда етиштириш. Монография, Тошкент 2017.75 бет.

ЎУК:633.853.52:631.531.1:581.19. 633.5.(470.62)

БУХОРО ВИЛОЯТИДА СОЯ ДОНИ ЭКИЛГАНДАН КЕЙИН ТУПРОҚНИНГ АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ

Ҳамроева М.К., илмий изланувчи, БухМТИ, Бухоро

Аннотация. Ўртача ёгин миқдори: 200-220 мм.ни, тоғ этакларида бирмунча юқори-300 мм.ни ташкил этди. Ёгиннинг кўп қисми қиш ва баҳор фаслларида тўғри келади, ёзда аксарият ҳолларда ёгин ёгмайди. Ўсимлик (экин)лар вегетация даври 210-220 кунни ташкил этди. Соя навларининг ривожланиши фазалари бошланиши ва тугаши худди шу тарзда белгиланиб борилди.

Калит сўзлар: метеорологик станция, иқлим шароити, ҳаво ҳарорати, агрокимё, дала тупроғи, агрокимёвий таҳлил, қатор оралари, ривожланиши фазалари.

Аннотация. Среднее количество осадков: 200-220 мм, чуть выше 300 мм в предгорьях. Большая часть осадков выпадает зимой и весной без осадков в течении лета. Вегетационный период для растений (посевов) составляет 210-220 дней. Таким образом, были отмечены начальная и конечная стадии развития соевых бобов.

Ключевые слова: метеорологическая станция, погодные условия, температура, агрохимия, агрохимический анализ, междурядия, фазы развития.

Annotatsion: Average rainfall: 200-220 mm, slightly above 300 mm in the foothills. Most precipitation falls in winter and spring without precipitation during the summer. The growing season for plants (crops) is 210-220 days. Thus, the initial and final stages of soybean development were noted.

Keywords: meteorological station, weather conditions, temperature, agrochemistry, agrochemical analysis, development phases between rows.

Бухоро метеорологик станциясидан олинган маълумотларга қараганда, 2014-2016 йиллар давомида ҳавонинг ўртача йиллар ичида энг паст ҳарорат декабрь-февраль ойларида -1,43⁰С, энг юқори ҳарорат июнь-июль ойларида 26,75⁰С бўлди. Шу йилларда энг паст ҳарорат декабрь-февраль ойларида -5-9,6⁰С, энг юқори ҳарорат июнь-июль ойларида 28,3-29,3⁰С тажриба ўтказилган йилларда энг паст ҳарорат -9,6⁰С бўлган бўлса, йиллар бўйича энг паст ҳарорат 2014 йилда -4,9⁰С, 2015 йилда -

4,9^oC ва 2016 йилда -1,8^oC ни ташкил қилди. Энг юқори ҳарорат ўтказилган тажриба йиллари қуйидагича тақсимланди. 2014 йил 27,9^oC ни ташкил этди. Ҳаво ҳарорати ҳақидаги ўртача кўп йиллик маълумотларни ўрганиб, бу борадаги ўзгаришни аниқладик: кейинги ўн йил давомида ҳаво исиб борган. Тажриба ўтказилган йилларда ҳавонинг намга тўйинмаслиги 17,5–22,4% атрофида бўлган. Ўсув давридаги ёгинлар миқдори шу йилларда қуйидагини ташкил қилган, жами ёгин миқдори 2014 йилда 156,8 мм, 2015 йилда 84,47 мм, 2016 йилда 88,1 мм. бўлган. Умуман олганда ёгин миқдори жуда кам ёки кейинги пайтларда янада камайди[1,2,3]

Тажриба ўтказилган дала тупрогининг агрокимёвий хоссалари соя экилгунча ва ҳосилни йиғиштириб олгандан кейин намуналар олиниб ўрганилди. Тупрокни агрокимёвий таҳлил қилишда [4] дан фойдаланилди.

“Парвоз”, “Дўстлик”, “Нафис”, “Славия”, “Олимпия” - соя навларининг ўртача шўрланган тупроқларда униб чиқиш даражаси аниқланди, бунинг учун ҳисоб қаторларининг ўртасидаги деянкаларга уруғлар саналиб экилди ва уларнинг униб чиқиши кузатилди. Майсаларнинг униб чиқиши 10 ва 75% ларда белгиланди. Соя навларининг ривожланиш фазалари бошланиши ва тугаши худди шу тарзда белгиланиб борилди. Униб чиқиш даври биринчи учталиқ барглар ҳосил бўлгунча ҳисобланди; соя ўсимлигида униб чиқиш, биринчи учталиқ баргларнинг ҳосил бўлиши, ғунчалаш, гуллаш, дуккакларнинг ҳосил бўлиши ва пишиш фазалари қайд қилиб борилди. Бу фазалар доимо 10 ва 75% да методик услубга асосан белгиланди. Фенологик фазаларнинг шаклланиши барча вариантларда бир кунда дала дафтарига қайд қилиб борилди. Фенологик кузатишларни олиб боришда [2,4] дан фойдаланилди.

Тажрибаларда ўрта ва ўртапишар Ўзбекистон ва Россия селекциясига оид соя навлари объект сифатида ўрганилди.

- экишдан олдин Нитрофикс П номли нитрагин билан ҳар бир соя нави уруғи алоҳида ҳолда ишланиб экилди;

- барг сатҳи ва ўсимликнинг сувни буғлатиш жараёни А.А.Ничипорович (1963 й.) усулида аниқланди. Бунинг учун ҳар бир пайкалдан баргдан олинган 20 та айланма шаклининг ҳўл ва қуруқ ҳолдаги вазни аниқланиб, формула асосида барг юзаси топилди. Туп сони ва тупдаги барг вазнига асосланиб, пайкаллардаги барг юзаси аниқлаб чиқилди;

- соя навларида фотосинтетик маҳсулдорлик ва барглардаги хлорофилл пигментлари (А.А.Ничипорович (1963 й.) миқдори ривожланиш фазалари бўйича ўрганилди;

- соя илдизида ҳосил бўлган туганакларни соя навлари ўсиш ва ривожланиш жараёнига таъсири ўрганилди;

- соя навлари асосий экин сифатида нитрагинли ва нитрагинсиз ҳолда экилди, навларнинг илдизларида тугунаклар ҳосил қилиши, жойлашиш горизонтлари ва ҳосил дуккакларининг пояда жойлашиш яруси ўрганилди, шунингдек биринчи дуккакнинг ердан жойлашиш баландлигига ҳам навлар бўйича аниқлаб борилди;

- турли миқдорда қўшилган соя унининг органолептик ва санитар-гигиеник кўрсаткичлари ҳамда мева элементларининг хавфсизлик даражаси стандарт талаб асосида ўрганилди;

- турли хил соя навларининг ёғсизлантирилган унидан тайёрланган озик-овқат маҳсулотларининг санитар-гигиеник ва токсикологик кўрсаткичлари таҳлил қилинди ва хулосалар берилди;

- соя навлари дони таркибидаги мой кислоталари, оксил ва оксил миқдорининг ўзгариб бориши ўрганилди [4].

Тадқиқотлар олиб бориладиган кузатишлар Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган тупроқларининг суғориладиган майдонларида ўртапишар “Парвоз”, “Дўстлик” назорат, “Нафис” ва ўртапишар “Олимпия” ва “Славия” соя навларида олиб борилди. Тажрибалар дала услубида, 4 карра такрорланишда Доспехов методикасига мос равишда белгиланган тизимда олиб борилди. Пайкал юзаси 56 кв.м (эни 2,40 м, узунлиги 20 м.), ҳисобга олинган ўсимликлар сони 20 та, вариантлар сони 27 та, қатор ораси 60 см. Такрорлар икки ярусда жойлаштирилди. Ҳар бир бўлак (деянка)нинг боши ва охирида химоя майдонлари учун жой қолдирилди.

Тажриба пайкалларида навлар, нитрагинли ва нитрагинсиз пайкалларда ҳосилдорлик кўрсаткичларига қараб иқтисодий ҳосилдорлик ҳисоблаб чиқилди.

Хулоса. Олиб борилган тажрибаларимизда соя навларида фотосинтетик маҳсулдорлик ва барглардаги хлорофилл пигментлари миқдори ривожланиш фазалари бўйича ўрганилди. Илмий адабиётлар билан танишиб борилди. Тадқиқот мавзуси мақсади бўйича тажриба давомида олинган

хулосалардан ишлаб чиқаришга тавсия тайёрланиб республикамиздаги соячиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларига ва соя донларидан турли озиқ-овқат маҳсулотлари, нон булкалари ва булочкалар ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун тавсиялар берилди. Олинган тажриба натижаларига статистик ишлов берилди чунки, ҳар қандай илмий изланишлар экспериментал кузатишлар билан боғлиқдир. Барг сатҳи ва ўсимликнинг сувни парлатиш жараёни А.А.Ничипорович (1963 й.) усулида аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ёрматова Д.Ё. Соя в Узбекистане . Ташкент . Изд. Наука и технология 2017.34-56 стр.
2. Тўракулов Ё.Н. Молекуляр биология. Тошкент. 1994 г.
3. Мякушко Ю.П. Соя Колос, Москва 1983. 275 стр.
4. Ҳамроева М.К., Ёрматова Д.Ё. Соя экотипларини шўрланган тупроқларда етиштириш. Монография, Тошкент 2017.75 бет.

ЎУК:633.853.52:631.531.1:581.19. 633.5.(470.62)

СОЯ НАВЛАРИ УРУҒЛАРИГА БИОЛОГИК ЎҒИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАЪСИРИДА ИЛДИЗЛАРИДА ТУГУНАКЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ Ҳамроева М.К., илмий изланувчи, БухМТИ, Бухоро

Аннотация. Соя илдизининг хусусияти ва уларда тугунак бактерияларининг (*Phizorium Japonica*) мавжудлиги ушбу ўсимликни атмосферадан соф азотни ўзлаштирадиган ўсимликлар қаторига киритади, бу ҳолат биологик жараён бўлиб, шунингдек ўсимлик ўзи учун азотли ўғитларга сарфланадиган молявий воситаларни камайтириш имконини беради. Дуккакларнинг ҳар бирининг ўз ризобиуми бўлади, уларнинг бири иккинчисига тушмайди. Тугунак бактериялар тирик ризобиум жороника бўлиб, улар қуёш нурунинг тик тушишидан нобуд бўлади.

Калит сўзлар: соя илдизининг хусусияти, тугунак бактериялар, соф азот, азотли ўғитлар, сизот сувлари, тугунак бактерияларнинг ҳаракатини активлаштириш, Нитрофикс П нитрагин, нитрагини, суюқ нитрагин, торфли нитрагин, тугунак бактериялар тирик ризобиум жороника.

Аннотация. Свойства корней сои и клубневые бактерии (*Phizorium Japonica*) в них, относят это растение к ряду растений, которые усваивают чистый азот прямо из атмосферы. Этот процесс позволяет уменьшить затраты азотных удобрений, расходуемых на растения. Каждый из бобовых имеют свой индивидуальный ризобиум, который не подходит к иному растению. Клубневые бактерии являются живыми ризобиум жороника и могут умереть от прямых солнечных лучей.

Ключевые слова: Свойства корней сои, клубневые бактерии, чистый азот, азотные удобрения, грунтовые воды, активирование действий клубневых бактерий, Нитрофикс П нитрагин, нитрагин, жидкий нитрагин, торфяной нитрагин, клубневые бактерии живые ризобиум жороника.

Abstract. The properties of soybean roots and tuberous bacteria (*Phizorium Japonica*) in them include this plant as a series of plants that assimilate pure nitrogen directly from the atmosphere, as a biological process, this reduces the costs of nitrogen fertilizers spent on separation. Each of the legumes has its own individual rhizobium, which is suitable for another plant. Tuberous bacteria are living rhizobium joponika and can die from direct sunlight.

Keywords: Properties of soybean roots, tuberous bacteria, pure nitrogen, nitrogen fertilizers, water sizon, activation of the action of tuberous bacteria, Nitrofix P nitragin, nitragin, liquid nitragin, peat nitragin, tuberous bacteria live rhizobium joponika.

Соя илдизининг хусусияти ва уларда тугунак бактерияларининг (*Phizorium Japonica*) мавжудлиги ушбу ўсимликни атмосферадан соф азотни ўзлаштирадиган ўсимликлар қаторига киритади, бу ҳолат биологик жараён бўлиб, ўсимлик ўзи учун азотли ўғитларга сарфланадиган молявий воситаларни камайтириш имконини беради. Бундан ташқари мазкур йўл билан ҳосил бўлган биологик азот экологик тоза бўлиб, у тупроққа, сизот сувларига, истеъмолчиларга захарли таъсир кўрсатмайди, шунингдек у сунъий азотли ўғитлар сингари ўсимликларнинг уруғлари ёки меваларда тўпланмайди [1,4].

Уруғларни нитрагинлаш. Ҳар қандай тупроқда тугунак бактерияларнинг ҳаракатини активлаштириш ёки уларни ҳосил қилиш учун тугунак бактериялар билан уруғларни ишлаш керак. Уруғлар Нитрофикс-П нитрагини билан ишланиб экилганда биринчидан ўсимликнинг ҳосилдорлиги ошади, иккинчидан уларнинг ҳаводан соф ҳолдаги азотни ўзлаштириш қобилияти бир неча баробарга

ошади. Тирик ризобиум бактериялардан иборат бу ўғитларга нитрагин ёки биологик ўғит ҳам дейилади. Туганак бактариялар тирик ризобиум *жороника* бўлиб, улар куёш нурунинг тик тушишидан нобуд бўлади.

Бу бактериялар тупроқда ўз хўжайинини кутиб 15-17 йилгача ҳаракатсиз ётиши мумкин. Дуккакдиларнинг ҳар бирининг ўз ризобиуми бўлади, уларнинг бири иккинчисига тушмайди. Масалан, мошнинг туганаклари соя ёки нўхатда ишламайди. Мош тугунаклари фақат мош экилганда туганак ҳосил қилади, бошқа вақтда улар фаолиятсиз бўлади [2,3,4].

Соя навлари илдизларида тугунакларнинг ҳосил бўлиши.

1-расм



Соя донига нитрагин қўшиб экилганда барча навларнинг ўсиши нормада, ҳосилдорлиги яхши, гуллаш даврида гуллари 80-85% гача чангланади, соя туганаклари тўлиқ ривожланади, айниқса баргларига умуман зараркунандалар тушмайди. Барча навларга бир вақтда бир хил намлик, минерал ўғит берилган. Бу тажрибада соядан кейин экилган экинлар тоза юмшоқ майдонларга экилади, шунинг учун ҳам кўп агротехник ишлов берилмайди, кўп минерал ўғит талаб қилмайди ва асосийси ҳозирги давр талабига биноан иқтисодий томондан сарф-ҳаражатлар камроқ ишлатилади.

Тажрибадан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, соянинг барча навлари Бухоро вилоятининг Жондор туманидаги шўрланган тупроқларда тугунаклар ҳосил қилди, чунки биз шўрланган тупроқларда нитрагин бактериялари фаолият кўрсатмайди, деган айрим олимларнинг фикрини билар эдик [3,4].

Хулоса. Тупроқда ўтказилган агрохимёвий таҳлиллар шуни кўрсатдики, соя экилган майдонда умумий азот миқдори бошқа далааларга қараганда, сезиларли даражада юқори. Ана шу бир гектарлик майдонга ўртача 30 кг азотли ўғит берилди, демак, ҳар гектар ердан 150-170 кг миқдорда соф азот тежаб қолдирилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ёрматова Д.Ё. Соя в Узбекистане . Ташкент . Изд. Наука и технология 2017.34-56 стр.
2. Тўракулов Ё.Н. Молекуляр биология. Тошкент. 1994 г.
3. Мякушко Ю.П. Соя Колос, Москва 1983. 275 стр.
4. Ҳамроева М.К., Ёрматова Д.Ё. Соя экотипларини шўрланган тупроқларда етиштириш. Монография, Тошкент 2017.75 бет.

Бухоро вилояти ўртача шўрланган туپроқларда соя навлари илдизлари тугунакларнинг ҳосил бўлиш жараёни

1. жадавал

Соя навлари	Кун, ой, йил	Илдиздаги ёнли шохлар сони, дона		Илдизнинг умумий узунлиги, см
		Вертикал, см	Горизонтал, см	
1-олинган натижа				
Парвоз		2-6,8	3-7,5	11,5
Дўстлик назорат нави		4-9,5	4-10,3	12,8
Нафис	25.04.2015й	3-8,4	3-9,6	11,9
Славия		2-7,2	4-8,7	11,8
Олимпия		2-7,1	4-8,5	11,6
2-олинган натижа				
Парвоз		4-9,4	4-9,7	12,8
Дўстлик назорат нави		6-12,8	5-11,9	13,5
Нафис	1.05.2015й	6-11,5	4-10,5	12,4
Славия		6-10,8	5-11,7	11,9
Олимпия		6-11,1	5-10,4	12,3
3-олинган натижа				
Парвоз		7-10,6	4-11,4	13,1
Дўстлик назорат нави		10-14,5	5-14,9	16,4
Нафис	1.06.2015й	9-13,8	4-13,6	16,2
Славия		8-12,9	5-12,7	15,1
Олимпия		8-12,6	5-12,5	15,4
4-олинган натижа				
Парвоз		12-16,1	5-16,4	20,2
Дўстлик назорат нави		13-17,2	6-18,5	22,1
Нафис	1.07.2015й	12-17,3	5-16,7	21,8
Славия		12-17,5	5-16,2	21,1
Олимпия		12-18,3	6-17,9	20,3
5-олинган натижа				
Парвоз		13-18,5	6-20,2	25,4
Дўстлик назорат нави		14-20,3	7-20,5	26,5
Нафис	1.08.2015й	13-19,1	6-21,1	25,8
Славия		13-19,3	7-19,6	22,7
Олимпия		13-20,3	7-20,6	20,7
6-олинган натижа				
Парвоз		27-26,5	10-25,9	35,1
Дўстлик назорат нави		28-27,1	12-28,7	38,5
Нафис	30.09.2015й	26-24,4	11-27,2	34,4
Славия		28-22,1	10-28,7	32,5
Олимпия		25-23,7	11-26,6	30,8

ЎУК:633.853.52:631.531.1:581.19. 633.5.(470.62)

СОЯ НАВЛАРИДА ҲОСИЛ БЎЛГАН ДУККАКЛАРНИНГ ЖОЙЛАШИШ ЯРУСЛАРИ

М.К. Ҳамроева, илмий изланувчи, БухМТИ, Бухоро

Аннотация. Дуккакларнинг жойлашиши нав хусусияти ва туп сони кўп ёки кам бўлишига тўғридан-тўғри боғлиқ. Ўсимликни ярусларга бўлиш қуйидагича амалга оширилди: ҳар вариантдан 10 тадан ўсимлик олиниб, уч ярусга- қуйи, ўрта ва юқори ярусларга бўлинди ҳамда уларда дуккаклар сони аниқланди. Бунда юқори ярусда дуккакларнинг учдан бир қисми жойлашган бўлса, пастки ярусда улар янада камроқ шаклланганлигини кўрсатди.

Калит сўзлар: Ярус, дуккаклар, поялар, нав хусусиятлари, соя навларининг морфологик белгилари, юқори ярус, ўрта ярус, пастки ярус, нитрагин-137 штамми, генератив органлар, агротехник ишлов даври.

Анотация. Расположение бобовых напрямую зависит от характера и разнообразия побегов. Деление растений на ярусы производилось следующим образом: из каждого варианта было извлечено по 10 растений, разделенных на три части - нижнюю, среднюю и верхнюю, и было определено количество бобовых. Это показало, что верхняя половина содержала треть бобовых, в то время как нижняя половина показала меньшее образование.

Ключевые слова: Ярус, бобовые, побеги, свойства сортов, морфологические показатели сортов сои, верхний ярус, нижний ярус, штамм нитрагин -137, генеративные органы, период агротехнической обработки


Annotatsion: The location of the legumes depends on the nature and variety of shoots. The division of plants into tiers was carried out as follows: from each variant, 10 plants were extracted, divided into three parts - lower, middle, and upper, and the number of legumes was determined. This showed that the upper half contained a third of legumes, while the lower half showed less formation.

Keywords: Tier, legumes, shoots, varietal properties, morphological indicators of soybean varieties, upper tier, lower tier, Nitragin -137 strain, generative organs, agrotechnical processing period


Соя навларининг морфологик белгиларига асосан ҳосил дуккаклари пояда жойлашади. Дуккакларнинг жойлашиши нав хусусияти ва туп сони кўп ёки кам бўлишига тўғридан-тўғри боғлиқ. Дуккаклар пояда қанча юқори жойлашса, сояни йиғиштириб олишда шунча яхши бўлади, улар пастда-6-8 см.гача жойлашса, ўриб олишда дуккаклар тупроқда қолиб кетади. Бу ҳолат соя дони ҳосилининг камайишига олиб келади. Тажрибада соя навлари поясидаги дуккакларнинг уч ярусда жойлашиши экиш муддатлари бўйича ўрганилди. Бу жараёнда олинган маълумотлар дуккаклар жойлашиши умумий бир қонуният асосида кечишини ёки энг кўп дуккаклар барча навлар ва экиш муддатларида асосий пояда жойлашганлигини кўрсатди: экиш муддати ва нитрагин-137 штамми қўлланиш-қўлланмаслигидан қатъий назар генератив органлар поянинг ўрта қисмида ҳосил бўлди. Ўсимликни ярусларга бўлиш қуйидагича амалга оширилди: ҳар вариантдан 10 тадан ўсимлик олиниб, уч ярусга- қуйи, ўрта ва юқори ярусларга бўлинди ҳамда уларда дуккаклар сони аниқланди. Бунда юқори ярусда дуккакларнинг учдан бир қисми жойлашган бўлса, пастки ярусда улар янада камроқ шаклланганлигини кўрсатди.

Эслатиб ўтиш керакки, юқори ярусда ўсимликнинг учдан бир қисм дуккаклари шаклланади. Уларнинг миқдори навлар ва экиш муддатларига қараб қисман ўзгаради. Ботаник белгиларига кўра соя навларининг бўйининг баландлиги ҳар хил бўлди.

“Славия” ва “Олимпия” навлари ўсимликлари ярусларида дуккаклар умумий дуккакларига нисбатан қуйидаги миқдорда жойлашган: “Славия” навида пастки ярусда 15 июнда 15-18% дуккак ҳосил бўлган, 15 июлда санаб кўрилганда дуккакларнинг 20-28%и ўрта ярусда, қолган 40-48% дуккак юқори ярусда ҳосил бўлганлиги маълум бўлди. Шу муддатда “Парвоз” навининг юқори ярусда 33-38% атрофида дуккаклар ҳосил бўлган. Кузатишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, ўртапишар соя навлари “Славия” ва “Олимпия” навида 43-48 фоиз дуккалар ўрта ярусда жойлашади, юқори ярусда 32 фоиз дуккаклар ҳосил бўлганлиги маълум бўлди. Пастки ярусда эса 20-25% дуккалар жойлашди. Ўртапишар соя навларида бу кўрсаткич бир мунча ўзгаради [1,2,3].



1-диаграмма. Турли соя навлари уруги нитрагинсиз экилганда дуккакларнинг жойлашиш яруси (нитрагинсиз),% ҳисобида (2014-2016 йиллар).



2-диаграмма. Соя навлари дуккакларининг поя ярусларида жойлашиши (нитрагинли),% ҳисобида (2014-2016 йиллар)

2014 йилда нитрагин қўлланиб навлар бўйича экилган вариантларда дуккаклари жойлашишида умумий қонуниятлар қайд этилди ва барча навларда дуккаклар жойлашиши 18-20% ни ташкил қилди. Айрим навларнинг пастки ярусида дуккаклар кўпроқ жойлашишганлиги аниқланди. 2014 йил экилган “Славия” навида 25%, “Олимпия” нави 23%, “Дўстлик” назорат ва “Парвоз” навларида 22% дуккак пастки ярусда жойлашганлиги кузатилди. “Нафис” навининг юқори ярусида жойлашган дуккаклар ҳар икки экиш муддатида ҳам деярли бир хил 32-33%ни ташкил этди [1,2].

Ушбу яруслар бўйича кузатишларни ўтказишдан мақсад морфологик жиҳатдан етук ва яхши етилган уруғлар кўпроқ қайси ярусда жойлашганлигини ўрганиш эди. Маълум бўлишича пастки ярусдаги уруғларнинг 5-10% сояни ўриб-йиғиб ишлов бериш даврида олинмасдан тупроқ остида қолиб кетади. Ўрта ярусдаги уруғлар тўлиқ пишиб етилиб, хўжалик белгилари талабларига жавоб беради. Ўрта ва кечпишар соя навларида ҳарорат кечалари паст, кундузлари юқори бўлганлиги сабабли юқори ярусдаги уруғларнинг бир қисми 8-10% пуч, яхши етилмай қолиши билан уруғлик талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Улар зарур ҳароратни тўлиқ олмаганлиги, озуқа моддалар билан таъминланиши етарли бўлмаслиги, озукани қабул қилиш бир меъёрда бўлмаганлиги боис яхши етилмайди. Ўрта ярусда жойлашган дуккаклар сонининг кўп бўлиши ижобий ҳол. Пастки ярусдаги дуккакларнинг маълум қисми яқин жойлашганлари ўрим пайтида тупроқда қолиб кетса, юқори ярусда жойлашган уруғларнинг бир қисми яхши етилмаган бўлади [1,2,4].

Хулоса. Нитрагинсиз вариантлардан нитрагинли вариантдагига қараганда дуккаклар пастки ярусда камроқ 15-28%, ўрта ярусда 42-48% ва юқори ярусда 28-38% жойлашганлиги аниқланди. Барча вариантларда дуккаклар ўрта ярусда энг кўп, юқори ярусда биров кам пастки ярусда жуда кам ҳосил бўлгани маълум бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ёрматова Д.Ё. Соя в Узбекистане . Ташкент . Изд. Наука и технология 2017.34-56 стр.
2. Тўрақулов Ё.Н. Молекуляр биология. Тошкент. 1994 г.
3. Мьякушко Ю.П. Соя Колос, Москва 1983. 275 стр.
4. Ҳамроева М.К., Ёрматова Д.Ё. Соя экотипларини шўрланган тупроқларда етиштириш. Монография, Тошкент 2017.75 бет.

УДК: 633.11+631.4:54-38+575+581

ТУЗЛИ ШАРОИТДА БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ УНУВЧАНЛИГИНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Б.Х. Чиниқулов, б.ф.н., ЎзРФА Генетика ва ЎЭБ институти, Тошкент
Х.С. Тўрақулов, б.ф.н., ЎзРФА Генетика ва ЎЭБ институти, Тошкент
Д.Ш. Эржигитов, к.и.х., ЎзРФА Генетика ва ЎЭБ институти, Тошкент
З.Б. Аллоберганова, б.ф.н., Урганч давлат университети, Урганч
О.А. Тажиева, талаба, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада лаборатория шароитида буғдой уругини униши ва ривожланишига NaCl нинг турли концентрацияси таъсири ўрганилди. Унувчанлиги ва эпикотилнинг узунлиги ўлчанди. Турлар орасида муҳим фарқлар мавжуд бўлиб, улар Бониферон усули билан таҳлил қилинди. Натижалар кўрсатишича айрим навлар хлорли шўрланишига юқори бардошлилик намойён қилади.

Калим сўзлар: юмшоқ буғдой, чидамлилиқ, дисперсион таҳлил, шўрга чидамлилиқ, генетика, селекция, бошланғич манба.

Аннотация. В данной работе была изучена влияние различных концентраций NaCl на всхожесть и развитие семян пшеницы в лабораторных условиях. Были измерены всхожесть и длина эпикотиля. Существенные значимые различия между сортами были анализированы дисперсионным статистическим методом Бониферони. Результаты указывают на то, что при хлоридном засолении, некоторые сорта имеют высокую толерантность.

Ключевые слова: мягкая пшеница, устойчивость, дисперсионной анализ, солеустойчивость, генетика, селекция, первичный материал.

Abstracts. In this work. It was studied influence of various NaCl concentration on germination and development of seeds of wheat in laboratory conditions. We measured germination rate and epycotyl size. Significant differences were calculated using Boniferoni test following an ANOVA. Results indicated diverse responses of wheat varieties to salinity.

Key words: soft wheat, disperse analysis, stability, salt tolerance, selection genetics, first material.

Асосий қишлоқ хўжалиқ экинларидан бири бўлган буғдой нафақат Ўзбекистон, балки бошқа давлатлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга ўсимлик ҳисобланади. Бугунги кунда буғдой ҳосилдорлигига салбий таъсир этувчи ташқи муҳит омилларидан бири бўлган тупроқ шўрланиши асосий экологик муаммолардан бири бўлиб, уларнинг комплекс майдони ҳозирги вақтда Республикаимизнинг кўпгина ҳудудларида кенг тарқалган [1, 4].

Тупроқ шўрланиши ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига, сув алмашинуви ва ионлар гомеостазининг бузилишига, фотосинтез ва нафас олиш жараёнининг секинлашишига ҳамда ҳосилдорликнинг пасайишига сабаб бўлади [2, 3, 5].

Илмий изланишда, NaCl тузининг турли хил концентрацияларида Республикаимизда экилиб келинган ҳамда экилаётган буғдой навларининг унувчанлиги ва ривожланишининг ўзаро статистик фарқланишлари устида тадқиқот олиб борилди.


Материал ва услублар. Таҷриба учун 47 хил буғдой нав ва намуналари NaCl тузининг турли хил концентрацияли (0.5%, 1.0%, 1.5%) эритмаларида термостатда ундирилди. Бунда униш ҳарорати 24 С⁰ ни ташқил қилган бўлиб, статистик таҳлил учун ҳар бир нав Петри ликопчасида уч қайтариқда ундирилди. Ўн кундан кейин намуналарнинг лаборатория унувчанлиги ва ниҳоллар узунлиги ўлчанди.

Натижалар StatView дастурида таҳлили Бонферрони тести ёрдамида амалга оширилди (SAS Institute Inc., Cary, NC, USA, www.statview.com) ва навлар ўртасида, юқорида келтирилган белгилар бўйича статистик таҳлил қилинди. Бунда эҳтимоллик статистик фарқланиш даражалари P <0.001 оралиғида олинган.

Таҷриба натижалари ва уларнинг таҳлили. Бизнинг таҷрибаларимизда лаборатория шароитида ҳар хил шўрланган муҳит яратиб юмшоқ буғдой нав ва намуналарининг шўрланишга чидамлилиги бўйича ўзгарувчанлиги қайси белги ва хусусиятларга боғлиқ эканлиги аниқланди. Уруғларнинг дала унувчанлиги лаборатория шароитидаги унувчанликка тўғридан-тўғри боғлиқ. Лабораториядаги унувчанлик билан дала унувчанлиги орасидаги фарқ нав намуналар генотипига боғлиқ бўлиб 9,2–15,8% оралиғида бўлишини кўрсатади.


Дала унувчанлигининг камайиб кетиши тупроқ иқлим шароити ҳамда бошқа омилларга боғлиқ. Шуни таъкидлаб ўтиш керак, уруғларнинг униб чиқиши учун шароит қанчалик қулай бўлса уларнинг униб чиқиш вақти шунча қисқаради ва дала унувчанлиги юқори бўлади. Тадқиқот натижаларига кўра NaCl тузининг концентрацияси кўп бўлганда лаборатория унувчанлиги пасайиб кетганлигининг гувоҳи бўлдиқ (1-расм). NaCl тузининг 0.5% концентрациясида ўсимликларнинг унувчанлиги назорат вариантдан деярли фарқ қилмади. NaCl тузининг концентрацияси 1.0% га етказилганда

Ўсимликларнинг унувчанлиги кескин пасайиб кетганлиги кузатилди. Фақат айрим намуналаргина NaCl тузининг 1,5% ли концентрациясида турли хил даражадаги унувчанликни намоён қилди.



1–расм. Бугдой намуналарнинг лаборатория унувчанлиги. (Расмдаги ҳарфлар стандарт фарқлиниш даражаси $P < 0.001$ оралигида ANOVA бўйича)

Дисперсион анализнинг Бониферони тести ёрдамида таҳлил қилинган натижалари шуни кўрсатдики, танлаб олинган навларда назорат ва тузнинг ҳар хил эритмалари орасида аҳамиятли фарқлинишлар кузатилди. 1-расмдан кўришиб турибдики, NaCl тузининг 1,0% ли эритмасида Хумо нави бошқа навларга нисбатан чидамсиз эканлиги кузатилган бўлса, Саратов-68 ўртача чидамли, Сезон, Навойи-1, Репсодия ва Зимница навлари эса нисбатан чидамлиликини намоён этди. 1,5% ли NaCl эритмасида Зимница ва Келажак навлари бошқа навларга нисбатан анча чидамли эканлиги аниқланди.



2–расм. Бугдой намуналарининг ривожланиши. (Расмдаги ҳарфлар стандарт фарқлиниш даражаси $P < 0.001$ оралигида ANOVA бўйича)

Бугунги кунда тупроқ шўрланишига чидамли бўлган бугдой навларни яратиш ўсимликлар селекциясининг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Ўсимликларнинг ривожланиш жараёнидаги

белги ва хусусиятлари навларга хос бўлиб, ҳар хил концентрациядаги NaCl эритмасида тузнинг микдорига боғлиқ равишда ўсимликларнинг бўйи ва илдиз узунлиги турлича бўлади. Биз тадқиқот олиб борган нав намуналаримизда ҳар хил шўрланган шароитда ўсимликларнинг илдиз ҳосил қилиш жараёнини таҳлил қилиб кўрганимизда лаборатория шароитида уруғларнинг илдиз ҳосил қилиши ва ривожланиши юқори концентрацияли тузли шароитда секинлашиши кузатилди, яъни NaCl тузининг 1.5% ли концентрациясида фақатгина айрим намуналаргина илдиз ҳосил қилиб ривожланганлиги кузатилди.

Шунинг учун ҳозирги вақтда буғдой ўсимлигидан юқори ҳосил олиш, шўрланган шароитларга чидамли бўлган навларни яратиш учун селекция жараёнида фойдаланиладиган бошланғич манбаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва уларни тўғри танлаш селекция ишларини самарали олиб боришда катта аҳамият касб этади.

Ўсимликларнинг ривожланиш жараёнидаги белги ва хусусиятлари навларга хос бўлиб, ҳар хил концентрациядаги NaCl эритмасида ўсимликларнинг ривожланиши турлича бўлади. Таҷриба натижаларидан (2–расм) кўриниб турибдики, ўсимликларнинг ривожланиши бўйича NaCl тузининг 0,5% ли эритмасида Хумо, Бардош ва Келажак навлари бошқа навларга қараганда ривожланиши бирмунча суслиги кузатилган бўлса, Сезон, Зимница ва Саратов-68 навлари эса бирмунча яхши ривожланди. NaCl тузининг 1,0% ли эритмасида ҳам худди шундай ҳолат кузатилди. Ўсимликлар 1,5% ли NaCl эритмасида ўстирилганда эса Зимница нави бошқа навларга нисбатан анча фаол ривожланди.

Хулосалар. Ушбу маълумотларга асосланган ҳолда шуни айтиш мумкинки буғдой намуналарини баҳолашда ва танлаб олиш жараёнида ўсимликларнинг шўрланган шароитда майсаларнинг ва илдиз системасининг ривожланиш ҳолатини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Олинган маълумотлар таҳлилига кўра Давлат нав синаш комиссиясида синовдан ўтаётган янги Келажак, Матонат, Хумо, Первица, Сезон, Зимница ва Саратов-68 навлари кучли шўрланган шароитга ҳам нисбатан чидамли эканлиги кузатилди. Ушбу навлардан келажакда тупроқ шўрланишига чидамли навлар яратишда донор сифатида фойдаланиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдуллаев С.А., Баиров А.Ж. Об итогах исследований ГосНИИ почвоведения и агрохимии за последние годы //Ўзбекистон тупроқшунослар ва Агрокимёгарлар жамиятининг IV қурултойи материаллари. Тошкент. 2005 й. Б 15– 26.
2. Абдиқулов З.У., Базарова Р.Ш. Тупроқ шўрланишининг буғдой ўсимлиги фенол бирикмаларига таъсири. ЎЗМУ Хабарлари №4/2 2013.
3. Бекназаров Б.А. Ўсимликлар физиологияси. Тошкент, Алоқачи. 2009 й. Б – 539.
4. Ashraf M. Breeding for salinity tolerance in plants//Crit. Rev. plant Sci. 1994. V.13. P.17-42.
5. Flowers T.J. Improving crop salt tolerance //J. Exp. Bot. 2004. V. 55. P. 307-319.

ЎУК: 633.11:581.1:58.03:631.526.32

ЮМШОҚ БУҒДОЙДА ЮҚОРИ ХАРОРАТГА ЧИДАМЛИЛИК БЎЙИЧА МАСНИНГ ГЕНЛАРНИ ПИРАМИДАЛАШ УСУЛИДА ЯНГИ НАВЛАР ЯРАТИШДА НАМУНАЛАРНИ ЭКСПРЕСС УСУЛДА БАҲОЛАШ

Б.Х. Чиниқулов, б.ф.н., ЎзРФА Генетика ва ЎЭБ институти, Тошкент

Х.С. Тўрақулов, б.ф.н., ЎзРФА Генетика ва ЎЭБ институти, Тошкент

Д.Ш. Эржигитов, к.и.х., ЎзРФА Генетика ва ЎЭБ институти, Тошкент

М.Р.Маткаримова, катта ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мазкур мақолада маркерларга асосланган селекция учун лаборатория шароитида физиологик усул асосида буғдой намуналарини тезкор ҳолда иссиқлик ва юқори хароратга чидамлилиги баҳолангани келтирилган. Тадқиқот натижаларига кўра, НТWYT кўчатзоридан олинган иккита ҳамда ESWYT кўчатзоридан олинган битта намуна юқори хароратга ўта чидамли намуна сифатида баҳоланган.

Калит сўзлар: юмшоқ буғдой, чидамлилик, юқори харорат, генетика, селекция, бошланғич манба.

Аннотация. В статье приведены оценка жароустойчивости образцов пшеницы в лабораторных условиях физиологическом экспресс методом для МАС селекции. Выявлено, что два сорта полученные из коллекции НТWYT и один сорт полученные из коллекции ESWYT проявили очень высокую устойчивость.

Ключевые слова: мягкая пшеница, устойчивость, высокая температура, генетика, селекция, первичный материал.

Abstract. The article presents an estimation on heat tolerance of the wheat samples in the laboratory condition with physiological express method for MABbreeding. It was revealed that two varieties obtained from the НТWYT collection and one variety obtained from the ESWYT collection showed very high tolerance.

Key words: Bread wheat, stability, high temperature, genetic, selection, primary material.

Қишлоқ хўжалиги деҳқончилигида биотик ва абиотик стресс омиллар қатта зарар келтириб, уларнинг минтақамиздаги салбий таъсирлари охириги йилларда янада ортмоқда [2, 5]. Биотик стресс омилларнинг ўзига барча экинларда йўқотилган глобал миқёсдаги 52% зарар тўғри келган [6]. Ушбу омилларга қарши ишлатиладиган захарли кимёвий пестицидларни ишлатиш эса ҳам атроф муҳитга зарарлиги ва ҳам иқтисодий жиҳатдан қимматлиги сабабли салбий усул сифатида баҳоланмоқда ва иқтисодий жиҳатдан арзон, атроф муҳит учун экологик қулай усул бўлган чидамли навлар яратиш ва амалиётда экиш энг тўғри усул сифатида кўрилмоқда.

Одатда янги нав яратиш селекцион лойиҳаларида битта генни ёки битта белгини кучайтиришни назарда тутати ва бу ҳолат кўпинча шу белги чидамли бўлган ўша биотик омилнинг янги ирқи ёки биотиплари янги чидамли навни тезда чидамсизга айлантиради ёки битта белгига чидамли нав бошқа белги бўйича чидамсиз бўлиб қолади. Яъни сариқ занг касаллигига чидамли нав яратган селекционернинг янги нави амалиётда кенг тарқалаётган илдиз чириш касаллигига ёки зарарли хасвага ёки ҳозирда кучаётган абиотик стресс омил бўлмиш қурғоқчиликка чидамсиз бўлиб чиқади. Ушбу муаммони ечишни бугунги куннинг энг маъқул йўли бу маркерларга асосланган селекциянинг генларни пирамидалаш усулидир. Ген пирамидалашни олимлар бир қанча керакли генларни ёки белгиларни бир қанча ота-оналардан битта генотипга ўтказадиган ва жамлайдиган селекцион усул дея таърифлашади [4]. Бу усул навларни бирданга бир қанча касалликлар ирқларига ёки бир қанча биотик ва абиотик омилларга чидамлилигини ҳосилдорликни ва сифатни сақлаган ҳолда таъминлайди. Усул молекуляр генетика ривожланиши ортидан ривожланди ва бугунги кунда селекцион лойиҳаларда урф бўлмоқда, чунки, молекуляр генетика, аниқроғи ДНК маркерлари ёрдамида чатиштириш жараёнида тегишли ген ўтган авлодни тез ва қисқа фурсатда юқори аниқликда ажратиб олиш имконини беради ва бекросс чатиштиришлар самадорлигини оширади.

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида ҳам ушбу усулни қўллаш асосида буғдойнинг сариқ занг касаллигига, қурғоқчиликка, юқори ва паст ҳароратга чидамлилиқ белгиларини битта генотипга жамлаш ва шу асосда бир қанча стресс омилларга чидамли навлар яратиш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тадқиқот жараёнида ДНК маркерлар билан бир қаторда тезкор физиологик усулларда тегишли белги бўйича баҳо бериш устида, айниқса юқори ҳароратга чидамлилиқ белгисини тез ва қисқа фурсатда аниқлаш устида изланишлар олиб борилди.

Материал ва услублар: Тажрибаларимизда кузги юмшоқ буғдойнинг СИММИТ (маккажухори ва буғдойни яхшилаш) халқаро марказидан олинган ESWYT (элита ва юқори ҳосилдор намуналар) ҳамда HTWYT (юқори ҳароратга чидамли намуналар кўчатзори) намуналарининг иссиқликка чидамлилиги баҳоланди.

Ўсимликларнинг иссиқликка чидамлигини баҳолашда [3] дан фойдаланилди. Ушбу услуб ўсимликларнинг иссиқликка чидамлилигини лаборатория шароитида тез аниқлаш имконини беради. Бунинг учун ўсимлик баргига юқори ҳарорат таъсир эттириб, кейин паст концентрацияли (0.2 н) хлорид кислотасига солинса, нобуд бўлган ва зарарланган хужайраларга кислота таъсир қилиши ҳисобига иссиқликка чидамсиз ўсимлик барглари қўнғир тусга киради. Хужайрадаги водород ионлари хлорофилл молекуласидаги магний ионлари ўрнини эгаллайди ва феофитин моддасига айланади. Баргда қанчалик кўп зарарланмаган қисмлар қолса, ушбу ўсимлик шунчалик даражада иссиқликка чидамли бўлади [3].

Тажрибаларимизда лаборатория стаканига сув солиниб, сув ҳаммомида +40°C гача қиздирилди, унга ўрганилаётган ҳар бир намунанинг баргидан 5 донадан солинди ва 30 дақиқа мобайнида +40°C ли сувда қолдирилди. Кейин бир дона барг олиниб (ҳар бир намунадан), совуқ сув солинган Петри ликобчасига солинди. Шундан сўнг сув ҳаммомининг ҳарорати 10°C га кўтарилди (+50°C га) ва 10 дақиқадан кейин иккинчи барг олиниб совуқ сув солинган Петри ликобчасига солинди. Ҳудди шундай қилиб, ҳарорат 80°C га қадар кўтарилди. Тажриба якунида Петри ликобчасидаги совуқ сув ўрнига 0,2 н хлорид кислотаси (HCl) солинди ва 20 дақиқадан сўнг барглarning зарарланиш даражаси (бунда барг юзасида қўнғир доғлар ҳосил бўлади) аниқланди.

Тажриба натижалари. Ўсимликларнинг иссиқликка чидамлилиги – бу уларнинг юқори ҳароратни ўтказиш қобилияти ҳисобланиб, ҳаво ҳарорати ҳаддан ташқари юқори бўлганда ортиқча қизишга чидамлилигидир [1]. Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланилган буғдой намуналари иссиқликка чидамлилиги бўйича ўта чидамли, чидамли, ўртача чидамсиз ва чидамсиз гуруҳларга бўлинди.

Олинган маълумотларга кўра, HTWYT кўчатзоридан олинган иккита LIVINGSTON/6/2*MTRWA92, SUP152/5CHRZ//BOW/CROW/ ҳамда ESWYT кўчатзоридан олинган битта KUTZ намунаси ўта чидамлилиги аниқланди. Ушбу намуналар +40+50°C ҳароратда умуман зарарланмаган бўлса, +60–70°C ҳароратда эса қисман, +80°C ҳароратда эса барг сатҳининг 50% зарарланди.

HTWYT кўчатзори намуналарининг юқори ҳарорат таъсирига чидамлилиқ даражаси

№	Кат№	HTWYTнамуналари	Юқори ҳарорат таъсирда ўсимлик баргларининг даражаси				
			40°C	50°C	60°C	70°C	80°C
Ўта чидамли							
1	47	LIVINGSTON/6/2*MTRWA92.	-	-	+	+	++
2	50	SUP152/5CHRZ//BOW/CROW/	-	-	+	+	++
Чидамли							
1	10	FRET2*2/KUKUNA//PRINIA/	-	++	++	++	+++
2	11	WBLL1*2/4/YACO/PBW65/3/	-	++	++	++	+++
3	14	SAUAL/MUTUS/3/KINGBIRD#	-	++	++	++	+++
4	19	TRCH/SRTU//KACHU*2/5/UP	-	-	+	++	+++
5	20	TRCH/SRTU//KACHU*2/5/UP	-	+	++	++	+++
6	21	TRCH/SRTU//KACHU*2/5/UP	-	-	+	+	+++
7	23	SAUAL/4/CROC 1/AE.SQUAR	-	+	++	++	+++
8	27	COPIO/7/SAUAL*2/6/CNDO/	-	-	+	++	+++
9	29	SAUAL/YANAC//SAUAL/5/UP	-	-	-	++	+++
10	30	SAUAL/YANAC//SAUAL/5/UP	-	-	++	++	+++
11	38	SAUAL/MUTUS/3/ATILIA*2/	-	+	+	++	+++
12	41	WAXWING/KIRITATI*2/3/C80.	-	-	+	++	+++
13	42	FRNCLN/ROLF07/3/KACHU#1	-	-	+	++	+++
14	45	NADI/3/KINGBIRD#//INQALA	-	+	++	++	+++
15	46	NADI/COPIO//NADI	-	+	+	++	+++
16	49	PBW343/TONI//ELVIRA/7/CNO	-	-	++	++	+++
Ўртача чидамсиз							
1	12	WBLL1*2/KKTS//PASTOR/KU	-	+	++	+++	+++
2	13	KACHU/SAUL*2//COPIO	-	++	++	+++	+++
3	16	FRET2/KUKUNA// FRET2/3/	-	++	++	+++	+++
4	18	TRCH/SRTU//KACHU*2/5/UP	-	++	++	+++	+++
5	25	SAUAL*2/6/CNDO/R143//ENTE	-	-	++	+++	+++
6	28	SAUAL/YANAC//SAUAL/5/UP	-	-	+	+++	+++
7	33	THELIN/2*WBLL1/5/KAUZ//	-	+	++	+++	+++
8	34	KFA/5/REH/HARE//2*BCN/3/	-	+	++	+++	+++
9	35	PBW343*2/KUKUNA*2//FRTL	-	+	++	+++	+++
10	36	KUTZ//KFA2*KACHU	-	+	++	+++	+++
11	37	TEPOCA+LR34/ATILIA//TILHI	-	+	++	+++	+++
12	39	AMUR/3/KINGBIRD#1//INQAL	-	-	++	+++	+++
13	40	ATILIA*2/PBW65*2//MURGA/	-	-	++	+++	+++
14	43	FRNCLN/ROLF07//COPIO/3/	-	-	++	+++	+++
15	44	BECARD/AKURI/3/KINGBIRD	-	-	++	+++	+++
16	48	BABAX/LR42//BABAX/3/ER	-	-	+	+++	+++
Чидамсиз							
1	8	SEHER 06/3/PBW343*2/KUKU	-	++	+++	+++	+++
2	9	WHEAR//2*PRL/2*PASTOR/	-	++	+++	+++	+++
3	15	AMUR*2/3/TRCH/SRTU//	-	+	+++	+++	+++
4	17	FRET2/KUKUNA// FRET2/3/	-	++	+++	+++	+++
5	22	WBLL1/3/STAR//KAUZ/	-	+	+++	+++	+++
6	24	BECARD/AKURI*2/3/PBW343*	-	-	+++	+++	+++
7	26	COPIO/7/SAUAL*2/6/CNDO/	-	-	+++	+++	+++
8	31	SAUAL/YANAC//SAUAL/3/	-	+	+++	+++	+++
9	32	WBLL1*2/BRAMBLING/4/	-	+	+++	+++	+++
10	2	NADI	+	+++	+++	+++	+++
11	3	QUAIU#1/SUP152	-	+++	+++	+++	+++
12	4	BAJ#1*2/KISKADEE#1	-	+++	+++	+++	+++
13	5	KACHU#1/YUNMAI47//KACH	+	+++	+++	+++	+++
14	6	BOKOTA/3/KINGBIRD#1//	+	+++	+++	+++	+++
15	7	FRANCOLIN#1/YANG/5/	-	+++	+++	+++	+++

(- зарарланмаган, + қисман зарарланган, ++ 50% дан кўп зарарланган, +++ тўлиқ зарарланган).

1-жадвалга умумий баҳо бериладиган бўлса, юқори ҳароратга чидамли намуналар кўчатзорида жами 49 намунадан 2 таси ўта чидамли, 16 намуна чидамли, 16 намуна чидамсиз ва 15 намуна ўта чидамсиз сифатида баҳоланди. Зарарланиш асосан +50°C ҳароратда бошланиб, ўта чидамсиз намуналарнинг айримларида баргнинг асосий қисми ушбу ҳароратнинг ўзида зарарланган бўлса, ўртача чидамсиз намуналарда +70°Cда барг юзасининг асосий қисми зарарланди, чидамли намуналарда эса +80°C да ҳам барг сатҳининг асосий қисми эмас, балким 50 фоиз қисмигина зарарланди. Бунда чидамсиз намуналарнинг баъзиларида +50°C ҳароратда, қолган барчаларида эса +60°C ҳароратнинг ўзида баргнинг 100 фоиз қисмида зарарланиш кузатилади.

Худди шу усул асосида тажриба бошқа бир буғдой кўчатзори, юқори ҳосилдорлик белгисига эга бўлган (ESWYT) буғдой намуналарида ҳам ўтказилди (2-жадвал). ESWYT кўчатзоридан жами 50 буғдой намуналари юқори ҳароратга чидамлилиги бўйича юқорида тасвирланган усулда баҳоланиб,

улардан биттаси ўта чидамли намуна сифатида, 21 намуна чидамли сифатида, 18 намуна ўртача чидамсиз сифатида ва 10 намуна эса ўта чидамсиз сифатида баҳоланди.

2– жадвал

ESWYT кўчатзори намуналарининг юқори ҳарорат таъсирига чидамлилиқ даражаси

№	Кат№	ESWYTнамуналари	Юқори ҳарорат таъсирида ўсимлик барглари­нинг зарарланиш даражаси				
			40°C	50°C	60°C	70°C	80°C
Ута чидамли							
1	2	KUTZ	-	-	+	+	++
Чидамли							
1	3	MUCUY	-	-	+	++	+++
2	4	KACHU/SAUAL/4/ATILTA*2/	-	-	++	++	+++
3	5	AMUR/3/KINGBIRD#1//INQAL	-	-	+	++	+++
4	8	WBLL1/KUKUNA//TACUPETO	-	+	++	++	+++
5	9	ATILTA*2/PBW65/5/CNO79//	-	++	++	++	+++
6	21	WBLL1*2/BRAMBLING/4/	-	-	+	++	+++
7	22	WBLL1*2/BRAMBLING/4/	-	-	++	++	+++
8	24	THELIN/2*WBLL1/5/KAUZ//	-	-	++	++	+++
9	26	KACHU/SUP152	-	-	++	++	++
10	30	BORL14//KFA/2*KACHU	-	+	+	++	+++
11	32	BORL14//KFA/2*KACHU	-	-	++	++	+++
12	35	BORL14//KFA/2*KACHU	-	-	+	++	+++
13	36	WBLL1*2/SHAMA/BAJ#1/3/	-	+	++	++	++
14	37	SUP152/BAJ#1/3/KACHU#1/	-	+	++	++	++
15	38	MUCUY//MUTUS*2//TECUE#1	-	+	+	++	+++
16	39	SHORTENED SR26 TRANSLO	-	-	++	++	+++
17	40	BECARD/QUAIU#1//BORL14	-	-	++	++	++
18	42	SITE/MO//PASTOR/3/TILHI/4/	-	++	++	++	+++
19	46	FRANCOLIN#1/YANAC*2/3/	-	+	++	++	++
20	50	NELOKI//SOKOLL/EXCALIBU	-	+	++	++	++
21	51	TACUPETO F2001/6/CNDO/	-	+	++	++	++
Ўртача чидамсиз							
1	7	HUIRIVIS#1*2/MURGA/3/	-	+	++	+++	+++
2	10	KACHU/SAUAL*2/3/KINGBIR	-	+	+	+++	+++
3	11	KACHU/SAUAL*2//COPIO	-	+	++	+++	+++
4	12	TRCH/SRTU//KACHU*2/3/	-	+	+++	+++	+++
5	13	TRCH/SRTU//KACHU*2/3/	-	+	++	+++	+++
6	14	UP2338*2/SHAMA/3/MILAN/	-	-	++	+++	+++
7	16	BECARD//AKURI*2/3/PBW343	-	+	++	+++	+++
8	19	TACUPETO F2001/6/CNDO/	-	-	++	+++	+++
9	20	TACUPETO F2001/6/CNDO/	-	-	++	+++	+++
10	23	THELIN/2*WBLL1/5/KAUZ//	-	-	++	+++	+++
11	27	PBW343*2/KUKUNA*2//FRTL	-	-	++	+++	+++
12	28	BECARD//AKURI/4/WBLL1*2/	-	-	++	+++	+++
13	29	KASUKO	-	-	++	+++	+++
14	33	SAUAL/YANAC//SAUAL/3/	-	-	+	+++	+++
15	34	WBLL1/FRET2//PASTOR*2/3/	-	-	++	+++	+++
16	45	MUNAL#1/FRANCOLIN#1/4/	-	+	++	+++	+++
17	48	W15.92/4/ PASTOR//HXL7573	-	+	++	+++	+++
18	49	NELOKI//SOKOLL/EXCALIBU	-	++	++	+++	+++
Чидамсиз							
1	6	TRCH/5/REN/HARE//2*BCN/3/	-	+	+++	+++	+++
2	15	BAV92//IRENA/KAUZ/3/HUITE	-	+	+++	+++	+++
3	17	BECARD//AKURI*2/3/KINGBI	-	+	+++	+++	+++
4	18	WBLL1*2/4/BABAX/LR42//	-	-	+++	+++	+++
5	25	THELIN/2*WBLL1/5/KAUZ//	-	-	+++	+++	+++
6	31	BORL14//KFA/2*KACHU	+	+	+++	+++	+++
7	41	ATILTA/3*BCN//BAV92/3/PAS	-	+	+++	+++	+++
8	43	KACHU/KIRITATI//BORL14	-	++	+++	+++	+++
9	44	ALTAR84/AE.SQ//OPATA/3/2	-	-	+++	+++	+++
10	47	TC870344/GUI//TEMPORALER	-	-	+++	+++	+++

(– зарарланмаган, + қисман зарарланган, ++ 50% дан кўп зарарланган, +++ тўлиқ зарарланган).

Ушбу кўчатзордан KUTZ намунаси энг чидамли сифатида ўзини намоен қилиб, +40-50°C ҳароратда умуман зарарланмай, +60°C ва +70°C ҳароратда қисман зарарланди ва +80°C ҳароратда ҳам 50 фоиз барг сатҳи зарарланди. Ушбу кўчатзорнинг чидамсиз намуналари одатда +60°C ҳароратнинг ўзида 100 фоиз барг сатҳининг зарарланишини намоен қилишди.

Таъкидлаш лозимки, чидамлилиқни намоен қилишда, айрим намуналар эрта босқичда, масалан +50°C ли ҳароратдаёқ 50 фоиз барг сатҳи зарарланган бўлсада, +70°C ли ҳароратда ҳам 50 фоиз барг

сатхи зарараниш даражасини ушлаб турди ва фақатгина +80°C ли ҳароратда тўлиқ барг юзаси зарарланишини намоеън қилди. Бундай намуналар сифатида HTWYT кўчатзоридан FRET2*2/KUKUNA//PRINIA/, WBL1*2/4/YACO/PBW65/3/, SAUAL/MUTUS/3/KINGBIRD#, ESWYT кўчатзоридан эса ATTLA*2/PBW65/5/CNO79// ва SITE/MO//PASTOR/3/TILHI/4/лар баҳоланди.

Хулоса ўрнида янги лаборатория шароитидаги физиологик экспресс усул орқали HTWYT кўчатзоридан олинган ўн олтита намуна ва ESWYT кўчатзоридан олинган йигирма битта намунанинг юқори ҳароратга чидамлилиги аниқланди.

Қолган намуналар ўртача чидамсиз ва чидамсиз деб баҳоланиб, бунда ушбу намуналарда барг сатхи +40–50°C ҳароратда қисман ва 50% дан ортиқ зарарланганлиги аниқланди (1-2 жадваллар).

Таҷрибамиз натижалари асосида аниқланган юқори ҳароратга ўта чидамли ва чидамли деб баҳоланган юмшоқ буғдой нав ва намуналаридан иссиқликка чидамли буғдой навларини яратишга йўналтирилган генетик-селекцион тадқиқотларда бошланғич манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Б.О.Бекназаров. Ўсимликлар физиологияси. -Тошкент.:Алоқачи.-2009.536 б.
2. Х.С.Тўрақулов, С.К.Бабоев. Р.А.Гулмуродов. Буғдойнинг занг касалликлари. Тошкент.: Навруз нашриёти. - 2015. -116 бет.
3. Мазец Ж.Э., Жукова И.И., Суленко Д.М., Грицкевич Е.Р. Учебно-полевая практика по физиологии растений: практикум. -Минск: БГПУ, 2012. -108 с.
4. Ashok Kumar Malav*, Indu and Kuldeep Singh Chandrawat (2016). Gene Pyramiding: An Overview. Int. J. Curr. Res. Biosci. Plant Biol. 3(7): 22-28
5. Jain SM, Brar DS (2010) Molecular techniques in crop improvement. Springer Science+Business Media, Berlin, Germany.
6. Suresh S, Malathi D (2013) Gene pyramiding for biotic stress tolerance in crop plants. Weekly Sci. Res. J 1: 2321-7871.

ЎУК: 633:63:54

ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА АЗОТЛИ ЎГИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ КУЗГИ АРПА УРУҒЛАРИНИНГ ДАЛА УНУВЧАНЛИГИГА ТАЪСИРИ

Яркулова З.Р., ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Кузги арпадан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришида уни оптимал муддатларда экиш ва ўғитлаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақолада Қашқадарё воҳаси шароитида сугориладиган ерларда кузги арпа уруғларини тўла ва қийғос ундириб олиш ўрганилган.

Таянч сўзлар: арпа, кузги арпа, экиш муддатлари, минерал ўғит, меъёр, вариантлар, нав, ҳосилдорлик, дон.

Аннотация. Важно сажать и удобрять его в оптимальные сроки для производства обильных и высокоурожайных озимого ячменя. В данной статье анализируется, как завершить озимые ячменя на орошаемых землях в Кашкадарьинском оазисе.

Ключевые слова: ячмень, озимый ячмень, сроки посева, сорт, минеральное удобрение, норма, урожайность, зерно.

Abstract. It is important to plant and fertilize it in the optimal time for the production of abundant and high-yielding seeds of spring barley. This article analyzes how to complete the winter barley seeds on irrigated lands in Kashkadarya Oasis.

Keywords: barley, winter barley, deadline sowing, growth, mineral fertilizer, norm, yield, grain.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг Республика ҳукумати мамлакатда дон етиштиришни кўпайтиришга, ғалла мустақиллигига эришишга катта аҳамият берди. Мамлакатда ялпи дон ҳосилини кўпайтриш, бошоқли дон экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, серҳосил, ётиб қолишга ва касалликларга, зараркунандаларга, ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига чидамли янги бошоқли дон экинларининг навларини яратиш, бирламчи уруғчиликни йўлга қўйиш ғаллачиликдаги энг муҳим вазифалар ҳисобланади. Шундай бошоқли экинлардан бири арпадир.

Етиштирилаётган арпа кузги, яримкузги, баҳорги турларига бўлинади. Кузги ва яримкузги арпалар кузда экилади, қишгача тупланиш даври кечади. Баҳорги шакллари дунё деҳқончилигида кенг тарқалган. Бу арпалар шакллари кузда қиш фасли иллик келадиган ҳудудларда экилиши мумкин. Баъзи бир шакллар баҳорда экилганда кам ҳосил беради, шунинг учун бу шакллар асосан кузда экиб ўстирилади.

Арпа қурғоқчиликка чидамли экин, сувнинг энг кўп миқдорини найчалаш даврида ва бошоқланишда талаб қилади. Сув танқислиги шу даврларда ҳосилдорликни сезиларли даражада камайишига олиб келади. Ўзбекистоннинг лалмикор ерларида бу ҳолат кузатилган. Сувнинг етишмаслиги пишиш даврида озик модданинг донга келишини тўхташига доннинг пуч бўлишига

олиб келади. Сувли шароитда арпа учун яхши ўтмишдош ер қатор ораси ишланадиган ва дуккакли ўт экинларидан бўшаган ерлардир. Лалмикор деҳқончилик шароитда арпа учун яхши ўтмишдош ер тоза шудгор ва дуккакли - дон, ўт экинларидан бўшаган ерлар ҳисобланади. Лалмикор деҳқончилик шароитида ер 22 - 25 см чуқурликда ҳайдалиб, ғалтак билан зичланади, экиш олдида эса ишлов берилади (культивация) ва бороналанади, Суғориладиган ерларда ерни ҳайдашдан олдин гектарига 700 - 800 м³ миқдорида суғорилиб, ер етилиши билан 23 - 35 см чуқурликда майдалаб ҳайдалади, экишдан олдин чизеллаш билан бирга бороланади.

Суғориладиган ерларда экиш учун Давлат реестрида 11 та арпа навлари экиш учун тавсия этилган. Булар жумласига «Айкор», «Мавлоно», «Болғали», «Афросиёб», «Гулноз» каби арпа навларини киритиш мумкин. Бу навлар ўз навбатида юқори агротехника қўлланилганда 80-90 ц/га дон ҳосили олиш мумкин. Республикамизда ҳар йили кузги арпа экиладиган майдон 60 минг гектарни ташкил қилади.

Кузги арпадан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда уни оптимал муддатларда экиш ва ўғитлаш муҳим аҳамиятга эга. Кеч экилган кузги арпа қиш тушгунча тупланишга улгура олмайди, қишда совуқдан зарарланади. Натижада тупланиш баҳорда ҳам давом этади. Бундай ўсимликларда баҳорда ҳосил бўлган бошоқларда дон енгил бўлиб, ҳосил ҳам паст бўлади. Арпа уруғининг униб чиқиши учун ҳаво, сув ва иссиқлик талаб қилади. Шу омилар етарли бўлганда арпанинг уруғи 5 - 7 кунда униб чиқади. Агарда иссиқлик етарли бўлмаса уруғлар 15 - 20 кунда униб чиқа бошлайди. Уруғни униб чиқиши учун 48 - 65 % сув куруқ уруғ вазнига нисбатан талаб қилади. 1 - 3 °С да ҳам уруғни униб чиқанини кузатиш мумкин, лекин оптимал ҳарорат 18 - 25 °С, максимал ҳарорат эса 28 - 30 °С ҳисобланади.

Арпанинг ташқи муҳитга ва тупроққа талаби буғдойга яқиндир, лекин тупроқнинг ҳамма турларида экиб етиштириш мумкин. Бироқ кислоталиги юқори, куруқ, кумли ва торфли тупроқлар яроқсиз. Арпа тупроқ муҳитига жуда таъсирчан. Муқобил муҳит рН 6 - 7. Арпанинг уруғи 1 - 2 °С да уна бошлайди. Лекин, 15 - 20 °С уруғнинг нормал униб чиқиши учун энг оптимал ҳарорат ҳисобланади. Уруғни униб чиқиш даври учун 100 °С энг самарали ҳарорат йиғиндиси ҳисобланади. Арпа майсалари 3 - 4 °С совуққа ҳам чидайди. Лекин, бунда барглари нобуд бўлади, тупланиш бўғини шикастланмайди. Чангчилари - 1 °С да, бўғинчаси - 1,5 - 4 °С совуқда нобуд бўлади. Дон 16 % намликда жуда паст ҳароратга чидайди ва унувчанлигини сақлаб қолади. Арпа бошоқланиш ва пишиб етилиш даврида иссиқликка талабчан бўлади.

Биз тажрибаларимизни Қашқадарё вилояти шароитида олиб бордик. Қашқадарё вилояти шароитида суғориладиган ерларга экиладиган кузги арпа интенсив навлари ўстирилганда энг юқори ва сифатли, таннархи паст дон ҳосили олишни таъминлайдиган оптимал экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Қашқадарё вилоятининг суғориладиган ҳудудларида экиш учун арпанинг кузги «Мавлоно», «Болғали» ва «Нозитаъм» навлари тавсия этилган. Ушбу янги навларнинг нав агротехкасини ишлаб чиқиш учун дала тажрибалари Қашқадарё вилояти бошоқли дон селекцияси ва уруғчилик илмий-тадқиқот институти тажриба даласида 2009 йилдан бошлаб олиб борилди.

Тажрибаларни олиб боришда бир қатор тадқиқот усулларида фойдаланилди. Доннинг сифати дон сифатини аниқлаш Қашқадарё илмий-тадқиқот институти лабораториясида арпанинг технологик хусусиятларини ўрганиш методикаси бўйича аниқланди.

Арпа ҳар бир минтақанинг табиий иқлим шароити учун энг мақбул муддатларда экилиши керак. Арпа экиш меъёри минтақа шароити, навнинг биологик хусусияти, уруғнинг йириклиги (1000 донасининг вазни) каби кўрсаткичлари, қолаверса, уруғликнинг экишга яроқлилиги даражаси ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Лалмикор ва нам ерларда арпа қатор ораси 15 см бўлиб, суғориладиган деҳқончилик шароитида экилиши билан ёки бир вақтнинг ўзида суғориш эгатлари олинади. Суғориладиган ерларда экиш меъёри гектарига 4 - 4,5 млн донга ҳисобида бўлиши яхши натижа беради. Нам ерларда арпа экилиши билан эгатлари орқали суғорилиши, бунда суғориш меъёри 1000 м³ бўлиши, кейинги ўсув даврида эса (тупланиш, бошоқланиш ёки най ўраш, бошоқланиш, сут пишиш даврида) 780 - 850 м³ бўлиши самаралидир. Донли экинлар ичида арпа экини озик моддасини эрта, найчалаш давридан бошлаб талаб қилади. Бу даврда арпа 2/3 калий ва 46% фосфор, гуллаш даврида эса 85% озик модда талаб қилади. Ўртача 1 ц дон учун азот 1 - 1,5 кг, фосфор 0,6 - 1 кг, калий - 0,4 кг сарф бўлади.


Арпа азотли ўғитларга жуда талабчан бўлади. Азотли ўғит белгиланган меъёрда берилганда ҳосилдорликни ошиши ва оқсилни 0,3 - 0,6 % га ортишига олиб келади. Арпа экини ўғитга талабчан бўлиб, сувли ерларда ўғитнинг самарадорлиги юқори бўлиб, ҳосилни оширишда ижобий таъсир кўрсатади. Кузда органик минерал ўғитлар ерга солиниб, ўсув даврида минерал ўғитлар билан озиклантириш самарадорлиги юқори.

Суғориладиган ерларнинг ҳар гектарига 20 тонна гўнг, 180 - 200 кг таъсир этувчи модда ҳисобида азот ва фосфор, ҳамда 80 - 100 кг калий ўғитлари берилиши лозим. Органик ўғит фосфор ва калийни ҳамда азотни 35 - 40 килограмми биргаликда кузда ерни ҳайдашдан олдин далага сочилади. Арпага юқоридаги миқдорда органик ўғит ерга солиш имконияти бўлмаса, кузда камида 5 тонна гўнг қўлланилиши керак. Намлик кўп бўлган ерларда арпани ўсув даврида (айниқса, ўсимлик тулланиш ва най ўраш даврида) камида икки маротаба азотли ўғит билан озиқлантириш ҳосилдорликни оширишда катта ижобий таъсир кўрсатади.

Жадвал 1

Дала унувчанлигига экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрларининг таъсири

Вариантлар	Назорат (P ₉₀ K ₆₀) –фон		Фон +N ₆₀		Фон +N ₁₂₀		Фон +N ₁₈₀	
	1 м ² да униб чиққан майсалар сони							
	дона	%	дона	%	дона	%	дона	%
1-октябрь	450,5	90	452	90	446,4	89	448,6	89
15-октябрь	444,2	88	448,6	89	440,5	88	441,6	88
1-ноябрь	425,3	85	429,4	85	422	84	426,0	85
15-ноябрь	394,8	78	398,6	79	386,4	77	383	76



Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича экиш муддатлари кузги арпани «Мавлоно» навининг дала унувчанлиги сезиларли таъсир кўрсатади. Экиш муддатларининг кечикиши билан кузги арпа уруғларининг дала унувчанлиги пасайиб бориш қонунияти кузатилади. Кузги арпа 1-октябрда экилганда 1м²да униб чиққан ўсимликлар сони ўртача 450,5 тани ёки 90,0 % бўлса, 15-ноябрда экилганда бу кўрсаткичлар мос равишда 394,8 ва 78,0% ни ташкил қилди.

Азотли ўғитлар, кузги арпа уруғларининг дала унувчанлигига сезиларли таъсир кўрсатмади.

Хулоса қилиб айтганда, Қашқадарё воҳаси шароитида суғориладиган ерларда кузги арпа уруғларини тўла ва қийғос ундириб олиш учун экишни 1 – 16 октябрдан кечиктирмасдан экиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Блохин В.И. Особенности агротехники ячменя в Татарстане «Земледелие» Москва 2006 №3 с. 15-16
2. Гарив Д.В., Сохибгаров А.А., Кадиков Р.К. Реагентность сортов. ячменя на уровень минерального питания и действие агроэкологических факторов среды. Зерновые культуры, Москва, 1998.- №3.- с 13.
3. Курбонов Г.К. Арпа. Т.: -1980.-80 б.
4. Осин А.Е. Сортовая отзывчивость ячменя густого посева на фоне минерального питания. Пути повышения урожайности полевых культур . М.: - 1988- С.58-62.
5. Халилов Н., Хужамкулов К. Зависимость урожайности озимого ячменя от сроков посева и нормы высева при поливе. Зерновое хозяйство, 2006, №2, с.19.
6. Шевцов, В.М. Влияние сроков сева и норм высева на урожайность новых сортов озимого ячменя / В.М. Шевцов, Ю.А. Грунцев, П.К. Полухина // Сб. науч. тр. КНИИСХ. Краснодар, 1975. - С. 173 - 190.
7. Шевцов, В.М. Влияние некоторых приемов агротехники на зимо стойкость озимого ячменя Текст. / В.М. Шевцов, Ю. А. Грунцев, П.К. Полухина // Селекция и сортовая агротехника зерновых культур. — М., 1980.- С. 193-197.

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

УДК: 621.395.7.(09)

**ХОРАЗМДА АВТОТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ
РИВОЖИ (XX-XXI АСР БОШЛАРИ)****Ф.Б. Жуманиёзов, ўқитувчи, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали,
Урганч**

Аннотация. Мазкур мақолада Хоразм воҳасида автомобиль йўллари вужудга келиши ва унинг воҳа транспорт инфратузилмаси ривожига таъсири ёритилган.

Калим сўз: Хоразм, автотранспорт, тупроқ йўллар, юк ва йўловчи ташиш, транспорт воситалари

Аннотация. В данной статье описывается развитие автомобильных дорог в Хорезмской области и их влияние на развитие транспортной инфраструктуры в регионе.

Ключевые слова: Хорезм, автомобильный транспорт, грунтовые дороги, грузовые и пассажирские перевозки, транспортные средства и пр.

Abstract. This article describes the development of roads in the Khorezm region and their impact on the development of transport infrastructure in the region.

Keywords: Khorezm, road transport, soil roads, freight and passenger transport, vehicles

Хоразм воҳаси тарихини тадқиқ қилишда транспорт инфраструктураси тарихшунослигининг ўтмиши ва бугунги кунини маълумотларини умумлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Хоразм воҳасида Амударё ўтгани билан бир қаторда жаҳон ҳамжамияти билан асосий савдо-иқтисодий муносабатлар куруклик йўллари орқали амалга оширилган. Илгари карвонлар ёрдамида амалга оширилган юк ташиш жараёнларида автомобилларнинг қўлланила бошланиши, йўллар ва кўприкларнинг қурилиши ўзига хос транспорт инфратузилмасининг вужудга келишига омил бўлди.

